

ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР
КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ
ОШИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК
МАРКАЗИ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ
КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ
ОШИРИШ МИНТАҚАВИЙ МАРКАЗИ

“Олий таълим жараёнини бошқаришда
тизимли таҳлил ва қарорлар қабул қилиш”
модули бўйича

Ў Қ У В – У С Л У Б И Й М А Ж М У А

Самарқанд – 2017

**Мазкур ўқув-услугий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлигининг 2017 йил 24 августдаги 603-сонли буйруғи билан
тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.**

Тузувчи:

**ТДТУ, ф.ф.д. проф.
Р.С.Самаров**

Такризчи:

**СамДУ хузуридаги минтақавий
марказ. Б.Бабажанов**

*Ўқув -услугий мажмуа минтақавий марказ Илмий-методик кенгашининг қарори
билан тасдиққа тавсия қилинган (2017 йил 4 сентябрдаги 5- сонли баённома).*

МУНДАРИЖА

I. ИШЧИ ДАСТУР	4
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ	12
III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР	22
IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ	94
V. КЕЙСЛАР БАНКИ	106
VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ	108
VII. ГЛОССАРИЙ	110
VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	77

I. ИШЧИ ДАСТУР

Кириш

Таълим-тарбия жараёнида мақбул қарор қабул қилиш учун мавжуд таҳлил турларидан тизимли таҳлил усулидан фойдаланишни тақозо этади. Таҳлил, интеллектуал фаолиятнинг юқори босқичи ҳисобланиб, жорий ҳолат, ҳодиса, жараён, рақам ва далилларни алоқадорлик даражасини белгилаб, унинг маданий аҳамияти истиқболини белгилаб беришда ифодаланади. Шу сабабли, таҳлил фаолият шакли сифатида ривожланиб, бугунги кунда унинг соҳавий турлари ва моделлари яратилган. Негаки, ҳар қандай муаммони ечимини белгилашда, вужудга келган “Х-педагогик вазият”ни конструктив кечишини таъминлаш учун таҳлил амалий аҳамият касб этиб, педагогик фаолият доирасида регулятив, йўналтирувчи, жипслаштирувчи, рағбатлантирувчи, диагностик ва прогностик каби вазифа(функция)ларни бажаради. Мазкур хусусиятларни инобатга олган ҳолда Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсларида **“Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари”** модули жорий этилди.

“Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари” модулининг дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сон Фармонидаги устувор йўналишлар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қилади.

Дастур мазмуни Олий таълимнинг норматив-ҳуқуқий асослари ва қонунчилик нормалари, Илғор таълим технологиялари, илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, Таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, Амалий хорижий тил, Махсус фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, технологик тараққиёт ва ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича ютуқлар, педагогнинг касбий компетентлиги ва креативлиги, Internet тармоғи, мультимедиа тизимлари ва масофадан ўқитиш усулларини ўзлаштириш бўйича янги билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришни назарда тутди.

Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари нафақат педагогик жараённи бошқарувини амалга оширишда, балки уни режалаштириш, такомиллаштиришда ҳар бир профессор-ўқитувчи томонидан қўлланилиши талаб этилади. Президентимиз Ислом Каримов “Жамиятимизни эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир” номли китобида “Биз жаҳондаги

тараккий этган мамлакатларнинг ривожланиш йўлларини диққат билан ўрганиб бормоқдамиз”¹ деб, таракқиётни таъминлаш йўлида табиий тарзда юзага келадиган муаммоларни ўрганиб, мақбул усулларни танлашимизни кўрсатиб ўтганлар. Бу йўсинда, тизимли таҳлилдан восита сифатида фойдаланиб, турли даражаларда мақбул қарор қабул қилиш амалий мвзун касб этади.

Тизимли таҳлил, таҳлил турини нисбатан янги ва самарали усулларида ҳисобланиб, ўзининг методологиясига эгадир. Бунда, ҳар қандай масала (муаммо) яхлит тарзда (тизим шаклида) танланиб (идрок этиб), барча хоссалари билан алоқадорлик даражаси аниқланади. Бу амал жуда мураккаб, алоҳида тайёргарликка эга бўлиш билан бирга тизим назарияси, тизимларнинг структураси, тизимости алоқадорлик қонунияти ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлишни тақозо этади.

Тизимли таҳлил этиш учун ҳар қандай объект танланиши мумкин. Бунда ижтимоий, иқтисодий, маданий институтларни яхлит тарзда автоном танлаш мумкин. Лекин, уларни мақсади, амал қилиш қонуниятларини инобатга олиш лозим бўлади. Тизимли таҳлил асосида бир бир кўринишга эга бўлган манба тайёрланади. У, маъруза, тезис, ҳисобот, тавсиянома бўлиши мумкин. Агарда, танланган мавзу кенг бўлса, бу ҳолда мақола, рисола ва монография тайёрлаш мумкин. Лекин, бошқарувда, шу жумладан педагогик фаолиятда қарор қабул қилиш учун ҳам тизимли таҳлил амалий мазмун касб этади.

Тизимлар турли белгилари асосида техник, иқтисодий, маданий, казуал, мураккаб, гипермураккаб каби турларга ажратилиши мумкин. Педагогик фаолиятда тизимли таҳлилни амалга оширишда биринчи навбатда педагогик ёки илмий муаммо тўғри танланиши лозим. Иккинчи навбатда, таҳлил методлари ўринли (мақсадли) танланиши лозим, иложи борижа ўлчов бирлигига эга бўлган методлардан фойдаланиш лозим. Сўнгра жамланган маълумотларни алоқадорлиги ва дахлдорлиги бўйича гуруҳларга ажратиб, тизим фаолиятига салбий таъсир кўрсатадиган омилни (бунда, тизим ости ҳам намоён бўлиши мумкин) белгилаб, уни фаолиятмандлигини таъминлаш лозим бўлади. Шу сабабли, тингловчиларга тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асосларига доир бўлган вазиятли машқларни бажариш, педагогик вазиятларни моделлаштириш, педагогик жараёнларнинг кечишини диагностикасини бажариш ҳамда прогнозини амалга ошириш орқали шахсий педагогик тактни танлаш (эгаллаш) имонини бериши нафақат педагогик фаолиятни, балки педагогик тизимни такомиллашуви учун хизмат қилади.

Модулнинг мақсад ва вазифалари:

“Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари” модулининг мақсади: педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсининг тингловчиларини таҳлил, таҳлилни ўтказиш босқичлари, тизимли

¹ Каримов И.А. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. – Т.: Ўзбекистон, 2007. 98-99 бет.

таҳлилнинг вужудга келиши ва уни педагогик фаолиятда қўллаш технологияси, қарор ва унинг турлари, қарорни тайёрлаш босқичлари, қарорларнинг мақсади ҳақида билимларини такомиллаштиришдан иборат. Бу ҳолат ўз навбатида тингловчилардан мазкур масалага бағишланган республикамиз ва хорижий илмий марказларда қўлга киритилган ютуқлар, замонавий илмий йўналишлар, тадқиқот моделлари билан таништириш ҳамда уларни ўз ихтисослигидан келиб чиққан ҳолда амалий қўллаш юзасидан кўникма ва малакаларга эга бўлишни тақозо этади.

Модулнинг вазифалари:

- педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсининг тингловчиларига қарор вариантларини тайёрлаш учун тизимли таҳлил ўтказишнинг мақсад ва вазифалари, уни амалга оширишда қўлланиладиган услублар ҳақида аниқ тасаввурларни шакллантириш;

- педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсининг тингловчиларига тизим ва унинг турлари, тизимли таҳлилнинг мақсади ва тизимли таҳлилни амалга оширишда қўлланиладиган методлар ҳақида аниқ ахборот бериб, тизимли таҳлил ўтказиш усулларини моделлари билан таништириш;

- педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсининг тингловчиларига тизимли таҳлилни жамиятни иқтисодий, ижтимоий, маданий ва сиёсий соҳаларида қўллаш тартиби ва олинадиган натижаларни таълим-тарбия жараёнида қўллаш технологиялари кўрсатиш;

- педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсининг тингловчиларига қарор ва унинг турлари, қарорни тайёрлашда ахборот ва бошқа омилларнинг таъсири, ахборотни жамлаш ва саралашда қўлланиладиган методлар ҳақида аниқ маълумот бериш;

- педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсининг тингловчиларига тизимли таҳлил натижалари асосида қарор қабул қилишни мақбул жиҳатларини аниқ мисоллар (вазиятли машқлар) воситасида очиқ бериш;

- педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсининг тингловчиларига педагогик муаммони вужудга келиши, кечиши ва уни бартараф этишда тизимли таҳлилнинг аҳамияти, қарор қабул қилишда талаба, педагог ва таълим муассасасини манфаатларини инобатга олиниши ҳақида маълумот бериш;

- педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсининг тингловчиларига тизимли таҳлил моделлари билан таништириб, педагогик фаолиятда қарор қабул қилишда уларни қўллаш учун техникасини ўргатиш.

Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсининг тингловчиларига “Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари” модули доирасида узатиладиган маълумотларни ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масала(мавзу)лар қамровида:

Тингловчи:

- турли педагогик вазиятларда таълим-тарбия манфаатларидан келиб чиққан ҳолда мақбул қарор қабул қилиш учун тизимли таҳлилни амалга ошириш учун, тадқиқот стратегисини тўғри шакллантириш, методлардан мақсадли фойдаланиш принциплари ҳамда эамланган ахборотни яхлит тарзда келтириб аниқ методология асосида таҳлилни амалга ошириш ҳақида **билимларга эга бўлиши мақсадга мувофиқ;**

Тингловчи:

- педагогик фаолият доирасида тизимли таҳлил методларини амалий қўллаш олиш ва олинган натижаларни таълим-тарбия жараёнига тадбиқ этиш, фаолиятни моделлаштириш ва прогнозини амалга ошириган ҳолда қарор қабул қилиш каби **амалий кўникма ва малакаларни эгаллаши мақсадга мувофиқ;**

Тингловчи:

- олий таълим тизими учун ахборотларни тизимли таҳлилни амалга ошириб, манба (маъруза матни, маълумотнома, тезис, мақола ва б.) тайёрлаш, ўқув жараёнини такомиллаштириш мақсадида педагогик жараённи таҳлил қилиб, натижавий маълумотларга таяниб, миллий таълим-тарбия олдида кўйиладиган талаблардан хабардор бўлиб, уни амалиётда қўллаш билиш **компетенцияларига эга бўлиши мақсадга мувофиқ.**

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар.

“Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари” модули маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилсада, бунда вазиятли машқлар, слайдларни намоён этиш, алоҳида педагогик вазиятларни яратиш (педагогик моделлаштириш) ва уларни тизимли ёндашув асосида шарҳлаш ва педагогик прогнозини амалга ошириш кабилардан фойдаланиш тавсия этилади.

Модулни ўқитиш жараёнида шахсга йўналтирилган таълимнинг тамойиллари ва технологиясидан, андрагогиканинг асосий қонуниятларига суяниб таълим методларини қўллаш ҳамда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентация ва электрон-дидактик технологиялардан;

- ўқув фаолиятини индивидуал ва жамоавий тарзда фаоллаштириш техникасини тингловчиларни ихтиослик бўйича тайёргарлигини инобатга олган ҳолда қўллаш;

- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс диагностика, вазиятли тест ва сўров, ақлий ҳужум, кичик гуруҳлар билан ишлаш, ва бошқа интерактив таълим усулларини қўллаш тавсия этилади.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги.

“Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари” модули мазмунан ўқув режадаги “Олий таълимнинг норматив-ҳуқуқий асослари”, “Илғор

таълим технологиялари ва педагогик маҳорат”, “Таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш” каби ўқув модуллари билан узвий боғлиқ бўлиб, педагогик фаолиятни самарали кечишини таъминлаш, индивидуал педагогик тактга эга бўлиш ҳамда “Х-вазият”ларда мақбул қарор қабул қилиш учун хизмат қилади.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни.

Тингловчилар модул доирасида узатиладиган маълумотларни таълим-тарбия жараёнини тизимли таҳлилни амалга ошириб, миллий таълим-тарбия манфаатини ҳимоя қилиш учун мақбул қарор қабул қилишга доир касбий компетентликка эга бўладилар. Шунингдек, модул доирасида ўзлаштирилган билимлар аниқ фан соҳалари бўйича илмий тадқиқотлар олиб боришда методологик асос бўлиб хизмат қилади.

Модул бўйича соатлар тақсимооти

№	Модул мавзулари:	Тингловчининг ўқув юкلامаси, соат:					
		Ҳаммаси	Аудитория ўқув юкلامаси				Мустақил таълим
			жумладан				
			Жами	Назарий	Амалий машғулот	Кўчма машғулот	
1	Тизимли таҳлилнинг мақсад ва вазифалари	2	2	2	-	-	-
2	Педагогик фаолиятда тизимли таҳлилни амалга ошириш методлари	2	2	2	-	-	-
3	Тизимли таҳлил асосида жамланган ахборотни шарҳлаш принциплари	2	2	2	-	-	-
4	Қарорнинг мақсад-вазифалари ва ижтимоий аҳамияти	2	2	2	-	-	-
5	Педагогик муаммоларни ҳал қилишда тизимли таҳлилдан фойдаланиш техникаси	4	2	-	2	-	2
6	Қарор қабул қилишда моделлаштириш ва прогнозлаштириш	2	2	-	2	-	-
	Жами	14	12	8	4	-	2

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу: Тизимли таҳлилнинг мақсад ва вазифалари.

Модулнинг мақсад ва вазифалари. Тизим тушунчаси ва унинг турлари. Педагогик тизимнинг функционал шарҳи. Тизимли таҳлил услуби ва методологияси. Тизим ости унсур(элемент)ларни алоқадорлик даражасини белгилаш. Тизимли таҳлилни амалга ошириш шартлари. Тизимли таҳлилда муаммони белгилаш ва моҳиятини очиш. Ижтимоий, иқтисодий, маданий, сиёсий тизимларнинг классификацияси. Педагогик тизим ижтимоий тизимнинг тизимостиси сифатида.

Педагогик жараёни бошқариш. Диагностика. Прогноз. Билиш. Тизимли идрок тушунчаси. Таҳлилда объектни идрок этиш. Тизимли тафаккур. Тизимли таҳлилда хусусийлик ва умумийликнинг алоқадорлигини ажратиш. Тизим фаолияти ва тизимий алоқадорлик. Тизим қонуниятлари ва ўзини ўзи такомиллаштириш. Тизимнинг коммуникатив характери. Тизим иерархияси.

2-мавзу: Педагогик фаолиятда тизимли таҳлилни амалга ошириш методлари.

Тизимли таҳлилда метод масаласи. Тизимли таҳлилга оид ёндашувлар: формал ва тушунчавий ёндашув, мажмуавий ёндашув, интеграцион ёндашув, вазиятли ёндашув, меъёрий ёндашув, функциоал ёндашув. Тизимли ёндашув ва унинг шаклланиш босқичлари.

Билиш ва унинг турлари. Индукция. Дедукция. Хусусий методлар. Метрик ўлчов бирлиги. Бир бутунлилик. Ривожланиш. Глобал мақсад. Функционаллик. Иерархия. Ноаниқлик. Хулоса ва қарор чиқариш.

Натижа тушунчаси. Шарҳлаш модели: “Объектнинг институтционал тавсифи→Объектнинг функционал тавсифи→Объектнинг стратегик тавсифи→Объектга етказиладиган эҳтимолли зарарлар кўлами, даражаси, миқдори (маблағ ҳисобидаги кўрсаткичи, маънавий ва психологик соҳадаги балли кўрсаткичлари кабилар)нинг тавсифи→Объектнинг бошқа объектлар билан алоқаси тавсифи→Объект хавфсизлигини таъминлаш учун мавжуд шарт-шароитларнинг тавсифи→Хавфсизликни таъминлашда ҳамкорликнинг асосий йўналишлари тавсифи→Объект хавфсизлигини таъминлашнинг тавсифи→Барча тавсифларнинг таҳлили = Прогноз”.

3-мавзу: Тизимли таҳлил асосида жамланган ахборотни шарҳлаш принциплари.

Методология ва тизимли таҳлил методологияси тушунчалари. Онгли ҳаракатни амалга оширишни англаш. Аниқ педагогик ҳолат(вазият)ни ўрганиш. Мақсадни шакллантириш. Мақсадни илгари суриш. Қарорни тайёрлаш. Қарорни илгари суриш учун ресурсларни инобатга олиш. Бошқарув фаолиятининг режасини ишлаб чиқиш. Режани бажариш учун шарт-шароитларни яратиш. Режани амалиётга қўллаш. Оланган натижани баҳолаш (назоратни амалга ошириш) ва б.

Жорий ва идел ҳолатни белгилаш. Мос келишни текшириб кўриш. Фарқни баҳолаш ва аниқлаш. Тизимлар турларини кўрсатувчи катталиқ. Кириш ва меъёрлар орасидаги фарқни аниқлаш. Ахборотни таҳлил қилиш. Интерпретация. Фарқлар асосида қарор ишлаб чиқиш.

Меъёр тушунчаси. Меъёрни белгилаш. Муаммоларни ечишда тизимли таҳлилни қўллашнинг уч устунлиги. Муаммони ечиш техникаси. Тизимлиликни таъминлаш. Тизим фаолиятини белгилаш ва баҳолаш.

4-мавзу: Қарорнинг мақсад-вазифалари ва ижтимоий аҳамияти.

Қарор тушунчаси ва унга оид илмий ёндашувлар. Қарор, фаолиятнинг ҳосиласи. Муаммони бартараф этиш учун ишлаб чиқиладиган чора ва тадбирлар мажмуаси. Қарорни мазмундорлигини таъминлаш. Қарор турлари.

Қарор қабул қилиш. Қарор қабул қилиш шартлари. Шахс ва унинг эҳтиёжлари, кутишларини қондирилганлигини қарорда ифодаланиши. Қарор қабул қилишда таъсир кўрсатадиган омиллар. Қарорга келиш. Қарорда манфаатларни ифодаланиши.

Муаммо ва уни ўрганиш. Ресурсларни инобатга олиш. Педагогик жараёнда намоён бўладиган муаммолар. Муаммоларни ўрганиш тартиби. Қарорда педагогик фаолиятнинг манфаатларини ифодаланиши. Белгилаб берувчи ва аниқловчи қарор.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1- амалий машғулот:

Педагогик муаммоларни ҳал қилишда тизимли таҳлилдан фойдаланиш техникаси.

Педагогик муаммоларни ҳал этишда тизимли таҳлилдан фойдаланиш босқичлари. Муаммони белгилаш жараёни. Муаммони қўйиш ва қийинлиги даражасини чеклаш. Мақсад ва вазифаларнинг иерархиясини ўрнатиш. Вазифани ечиш йулларини танлаш. Моделлаштириш. Стратегияни аниқлаш. Прогнозни амалга ошириш. Натижаларни тадбиқ этиш. Муаммони ечиш босқичлари. Муаммони тузилишини белгилаш. Муаммони ечиш жараёнининг мазмуни. Муаммони ҳал этиш босқичлари. Муаммони ечишда мақбул вариантни танлаш. Муаммо ечимини аниқлаш меъёрлари. Меъёр. Функционаллик. Тизим функцияси. Ечим бевосита муаммони бартараф этишга қаратилганлигини таъминлаш. Ечим муаммо ҳажмига тенг бўлиши. Меъёрий даражалар. Сон ва сифатни таъминлаш (IV. Амалий машғулотлар мазмунига қаралсин).

2- амалий машғулот:

Қарор қабул қилишда моделлаштириш ва прогнозлаштириш.

Прогнозни амалга ошириш мураккаб интеллектуал фаолият. Назарий жиҳатдан прогнозни мазмуни, тузулиши, функционал жиҳатдан аҳамиятдорлигини инобатга олиб, қуйидаги турларга ажратиш мумкин: ваъдали прогноз; ишончли прогноз; омилли прогноз; шубҳали

прогноз; ахборотли прогноз ва б.

Моделлаштириш. Прогноз. SR модели: “Объектнинг институционал тавсифи → Объектнинг функционал тавсифи → Объектнинг стратегик тавсифи → Намоён бўладиган эҳтимолий муаммоларнинг тавсифи → Объектнинг бошқа объектлар билан алоқаси тавсифи → Объектнинг фаолиятини таъминлаш учун мавжуд шарт-шароитларнинг тавсифи → Фаолиятни таъминлашда ҳамкорликнинг асосий йўналишларининг тавсифи → Барча тавсифларнинг таҳлили = Моделлаштириш = Прогноз”.

Ўқитиш шакллари

Мазкур модулни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва интерфаол педагогик (Аклий хужим, Венн диаграммаси, концептуал жадвал) усул ва технологиялардан фойдаланилади;

ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, график органайзерлардан, кейслардан фойдаланиш, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш, блиц-сўровлардан ва бошқа интерактив таълим усуллари қўллаш назарда тутилади.

БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ

№	Ўқув-топшириқ турлари	Максимал балл	Баҳолаш мезони		
			"аъло" 2,2-2,5	"яхши" 1,8-2,1	"ўрта" 1,4-1,7
1.	Тест-синов топшириқларини бажариш	0,5	0,4-0,5	0,34-0,44	0,28-0,3
2.	Ўқув-лойиҳа ишларини бажариш	1	0,9-1	0,73-0,83	0,56-0,7
3.	Мустақил иш топшириқларини бажариш	1	0,9-1	0,73-0,83	0,56-0,7

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

“SWOT-таҳлил” методи.

Методнинг мақсади: мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш асосида муаммони ҳал этиш йўллари топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга мўлжалланган.

S – (strength)	• кучли томонлари
W – (weakness)	• заиф, кучсиз томонлари
O – (opportunity)	• имкониятлари
T – (threat)	• тўсиқлар

Намуна: “Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари”ни SWOT таҳлилини ушбу жадвалга туширинг.

S	Тизимли таҳлилни педагогик фаолиятда қўллашнинг кучли томонлари	Тизимли таҳлилни амалга оширишда бошқа фанларнинг хусусий усулларидадан фойдаланиш (ҳамкорлиги)
W	Тизимли таҳлилни педагогик фаолиятда қўллашнинг кучсиз томонлари	Педагогик фаолиятда тизимли таҳлилни амалга ошириш технологияларига эҳтиёжнинг юқори эканлиги
O	Тизимли таҳлилнинг имкониятлари (ички)	Педагогик фаолиятда инновацияларни қўлланишининг самарадорлиги
T	Тўсиқлар (ташқи)	Педагогик фаолиятда инновацияларни қўлланиш жараёнида ташкилий, услубий ва ҳуқуқий муаммоларни пайдо бўлиши


“Давра суҳбати” методи

Айлана стол атрофида берилган муаммо ёки саволлар юзасидан таълим олувчилар томонидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдириш орқали олиб бориладиган ўқитиш методидир.

“Давра суҳбати” методи қўлланилганда стол-стулларни доира шаклида жойлаштириш керак. Бу ҳар бир таълим олувчининг бир-бири билан “кўз алоқаси”ни ўрнатиб туришига ёрдам беради. Давра суҳбатининг оғзаки ва ёзма шакллари мавжуддир. Оғзаки давра суҳбатида таълим берувчи мавзунини бошлаб беради ва таълим олувчилардан ушбу савол бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришларини сўрайди ва айлана бўйлаб ҳар бир таълим олувчи ўз фикр-мулоҳазаларини оғзаки баён этадилар. Сўзлаётган таълим олувчини барча диққат билан тинглайди, агар муҳокама қилиш лозим бўлса, барча фикр-мулоҳазалар тингланиб бўлингандан сўнг муҳокама қилинади. Бу эса таълим олувчиларнинг мустақил фикрлашига ва нутқ маданиятининг ривожланишига ёрдам беради.


Давра столининг тузилмаси

Ёзма давра суҳбатида стол-стуллар айлана шаклида жойлаштирилиб, ҳар бир таълим олувчига конверт қоғози берилади. Ҳар бир таълим олувчи конверт устига маълум бир мавзу бўйича ўз саволини беради ва “Жавоб варақаси”нинг бирига ўз жавобини ёзиб, конверт ичига солиб қўяди. Шундан сўнг конвертни соат йўналиши бўйича ёнидаги таълим олувчига узатади. Конвертни олган таълим олувчи ўз жавобини “Жавоблар варақаси”нинг бирига ёзиб, конверт ичига солиб қўяди ва ёнидаги таълим олувчига узатади. Барча конвертлар айлана бўйлаб ҳаракатланади. Якуний қисмда барча конвертлар йиғиб олиниб, таҳлил қилинади. Қуйида “Давра суҳбати” методининг тузилмаси келтирилган



Белгилар:

- 1-таълим олувчилар
- 2-айлана стол



“Давра суҳбати” методининг афзалликлари:

- ўтилган материалнинг яхши эсда қолишига ёрдам беради;
 - барча таълим олувчилар иштирок этадилар;
 - ҳар бир таълим олувчи ўзининг баҳоланиши масъулиятини ҳис этади;
- ўз фикрини эркин ифода этиш учун имконият яратилади.

Методни амалга ошириш тартиби:



Педагог-тренер иштирокчиларни 5-6 кишидан иборат кичик гуруҳларга ажратади;



тренингни мақсади, шартлари ва тартиби билан иштирокчиларни таништиргач, ҳар бир гуруҳга умумий муаммони таҳлил қилиниш шарт бўлган қисмлари кўрсатилган тарқатма материаллар тарқатилади;



ҳар бир гуруҳ ўзига берилган муаммони атрофлича таҳлил қилиб, ўз мулоҳазаларини тавсия этилаётган схема бўйича тарқатмага ёзма баён қилади;



навбатдаги босқичда барча гуруҳлар ўз тақдимотларини ўтказадилар. Шундан сўнг, педагог-тренер томонидан таҳлиллар умумлаштирилади, зарурий ахборот билан тўлдирилади мавзу яқунланади.

Намуна:

Таҳлил турларининг қиёсий таҳлили					
Тизимли таҳлил		Сюжетли таҳлил		Вазиятли таҳлил	
афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги
Муммони келиб чиқиш сабабли ва кечиш жараёнини алоқадорлиги жиҳатидан ўрганиш имкониятига эга	Алоҳида тайёргарликка эга бўлишни, кп вақт ажратишни талаб этади	Ўз вақтида муосабат билдириш имкониятини беради	Муносабат бошқабир сюжетга нисбатан қўлланишўга яроқсиз	Вазият иштирокчиларининг (объект ва субъект) вазифаларини белгилаб олиш имколнини беради	Динамик хусусиятини белгилаб олиш учун қўллаб бўлмайди
<p>Хулоса: Таҳлилнинг барча турлари ҳам ўзининг афзаллиги ва камчилиги билан бир биридан фарқланади. Лекин, улар қаторидан педагогик фаолият доирасида қарор қабул қилиш учун тизимли таҳлилдан фойдаланиш жорий камчиликларни бартараф этишга, мавжуд ресурслардан мақсадли фойдаланишда афзалликларга эгаллиги билан ажралиб туради.</p>					

“Кейс-стади” методи

«Кейс-стади²» аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади³. Кейсда очик ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қаерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/Қанақа (How), Нима-натига (What).

“Кейс методи”ни амалга ошириш босқичлари

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
1-босқич: Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш; ✓ кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда); ✓ ахборотни умумлаштириш; ✓ ахборот таҳлили; ✓ муаммоларни аниқлаш.
2-босқич: Кейсни аниқлаштириш ва ўқув	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш; ✓ муаммоларни долзарблик

² Case – аниқ вазият, ҳодиса, «study» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ.

³ Бу метод 1921 йилда Гарвард университетига амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланилган.

топшириғни белгилаш	иерархиясини аниқлаш; ✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш.
3-босқич: Кейсдаги асосий муаммони тахлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқиш	✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш; ✓ муқобил ечим йўлларини ишлаб чиқиш; ✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни тахлил қилиш; ✓ муқобил ечимларни танлаш.
4-босқич: Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	✓ якка ва гуруҳда ишлаш; ✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш; ✓ ижодий-лойиҳа тақдимотини тайёрлаш; ✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш.

Кейс. Тасаввур қилинг! “Педагог-Талаба” кўринишида педагогик низо вужудга келди. Қарор қабул қилиш учун тизимли тахлилни амалга ошириш талаб этилмоқда. Тахлил усулларини белгилб, юзага келган вазиятни таълим-тарбия манфаатидан келиб чиққа ҳолда ёндашиш талаб этилмоқда.

Кейсни бажариш босқичлари ва топшириқлар:

- Кейсдаги муаммони келтириб чиқарган асосий сабабларни белгиланг (индивидуал ва кичик гуруҳда).
- Мобил иловани ишга тушириш учун бажарилаётганина ишлар кетма-кетлигини белгиланг (жуфтликлардаги иш).

“ФСМУ” методи

Технологиянинг мақсади: Мазкур технология воситасида тингловчилардаги умумий фикрлардан хусусий хулосалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хулоса чиқариш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантириш мақсадида фойдаланиш мумкин. Бу технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзунини мустаҳкамлашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини тахлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

Технологияни амалга ошириш тартиби:

- қатнашчиларга мавзуга оид (жумладан: “Х-педагогик вазият” юзасидан) бўлган якуний хулоса ёки ғоя тақлиф этилади;
- ҳар бир иштирокчига “ФСМУ” технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозлар тарқатилади:

Ф	• фикрингизни баён этинг
С	• фикрингизни баёнига сабаб кўрсатинг
М	• кўрсатган сабабингизни исботлаб мисол келтиринг
У	• фикрингизни умумлаштиринг

- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гуруҳий тартибда тақдим этилиб, шарҳланади.

“ФСМУ” технологияси қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилиш учун хизмат қилиши мумкин.

Намуна.

Ғоя: “Тизимли таҳлил воситасида тайёрланган қарор педагогик фаолиятнинг самарадорлигини таъминлаш учун асос ҳисобланади”.

Топшириқ: Мазкур ғояга нисбатан муносабатингизни “ФСМУ” технологияси ёрдамида баён этинг.

“Ассесмент” методи

Методнинг мақсади: бу методдан педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсининг тингловчиларининг билим даражасини баҳолаш, назорат қилиш, ўзлаштириш кўрсаткичи ва амалий кўникмаларини шаклланган даражасини белгилашда қўллаш мумкин. Мазкур метод воситасида таълим олувчиларнинг билиш фаолияти турли йўналишлар (тест, амалий кўникмалар, муаммоли вазиятлар машқи, қиёсий таҳлил, симптомларни аниқлаш) бўйича ташхис қилинади ва баҳоланади.

Методни амалга ошириш тартиби:

“Ассесмент”лардан маъруза машғулотларида талабаларнинг ёки қатнашчиларнинг мавжуд билим даражасини ўрганишда, янги маълумотларни баён қилишда, семинар, амалий машғулотларда эса мавзу ёки маълумотларни ўзлаштириш даражасини баҳолаш, шунингдек, ўз-ўзини баҳолаш мақсадида индивидуал шаклда фойдаланиш тавсия этилади. Шунингдек, ўқитувчининг ижодий ёндашуви ҳамда ўқув мақсадларидан келиб чиқиб, ассесментга қўшимча топшириқларни илова этиш мумкин. Бу ўз навбатида педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсининг тингловчиларини ўқув фаолиятини самарадорлигини таъминлаш учун хизмат қилади.

Намуна. Ҳар бир катакдаги тўғри жавоб “5” балл ёки “1 - 5” баллгача баҳоланиши мумкин.

Тест

1. Тизим тушунчасини илмий мулоқотга ким киритган?
А. Т. Парсонс;
В. К. Дойч;
С. О. Конт.

Қиёсий таҳлил

Оптнер, Квейд, Янг, SR, Голубков моделларини ўзига хос жihatларини ажратинг?

Тушунчаларнинг таҳлили

Таҳлил, шарҳ, изоҳ каби тушунчаларни мазмундорлигини белгилаб беринг

Амалий кўникма

Тизимли таҳлилни амалга ошириш учун мавжуд таҳлил моделларида “SR-моделини кўллаш тартибини биласизми?”

“Инсерт” методи

Методнинг мақсади: Мазкур метод педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсининг тингловчиларида янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билимларни ўзлаштирилишини енгиллаштириш мақсадида қўлланилиб, улар учун хотира машқи вазифасини ҳам бажаради.

Методни амалга ошириш тартиби:

➤ ўқитувчи машғулотга қадар мавзунинг асосий тушунчаларининг мазмунини ёритилган инпут-матнни тарқатма ёки тақдимот кўринишида тайёрлайди;

➤ янги мавзу моҳиятини ёритувчи матн педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсининг тингловчиларига тарқатилади ёки тақдимот кўринишида намойиш этилади;

➤ педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсининг тингловчилар индивидуал тарзда матн билан танишиб чиқиб, шахсий қарашларини махсус белгилар орқали ифодалайдилар. Матн билан ишлашда улар қуйидаги махсус белгилардан фойдаланишлари мумкин:

Белгилар:	1-матн	2-матн	3-матн
“V” – таниш маълумот			
“?” – мазкур маълумотни тушунмадим, изоҳ керак			
“+”бу маълумот мен учун янгилик			
“– ” бу фикр ёки мазкур маълумотга қаршиман?			

Белгиланган вақт якунлангач, педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсининг тингловчилар учун нотаниш ва тушунарсиз бўлган маълумотлар ўқитувчи-тренер томонидан таҳлил қилиниб, изоҳланади. Уларнинг моҳияти тўлиқ ёритилади. Саволларга жавоб берилади

ва машғулот якунланади.

“Тушунчаларнинг таҳлили” методи.

Методнинг мақсади: педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсининг тингловчиларини мавзу бўйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу бўйича дастлабки билимлар даражасини диагностика қилиш мақсадида қўлланилади.

Методни амалиёга қўллаш тартиби:

- иштирокчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;
- тингловчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади (индивидуал ёки гуруҳли тартибда);
- тингловчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;
- белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тугри ва тулиқ изоҳини уқиб эшиттиради ёки слайд орқали намойиш этади;
- ҳар бир иштирокчи берилган тугри жавоблар билан узининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

Намуна: “Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари” модулига тааллуқли бўлган таянч тушунчаларнинг таҳлили

Тушунчалар:	Сизнингча бу тушунча қандай маънони англатади?	Қўшимча маълумот
Тизим	Алоҳида қисмлардан (унсурлардан) таркиб топган яхлитлик	Система тушунчасин и шарҳланг
Ахборот	Шартли белгилардан (овоз, садо ва б.) иборат мажмуа	Информаци я тушунчасин и шарҳланг
Тамойил	Амал қилинши шарт бўлган қоида	Принцип тушунчасин и шарҳланг
Меъёр	Ҳаракатлар чегараси	Норма тушунчасин и шарҳланг
Тизимости	Алоҳида мустақил қисм сифатида амал қилиши мумкин бўлган хосса	Подсистема тушунчасин и шарҳланг
Унсур (хосса)	Яхлитлини бир бўлаги	Элемент тушунчасин и шарҳланг

Тизимий алоқадорлик	Ҳаракат қилиш натижасида юзага еладиган жараён	Тизимларар о алоқа тушунчасин и шарҳланг
---------------------	--	--

Изоҳ: Иккинчи устунчага доир тингловчилар томонидан муносабат билдирилади. Учунчи устунчадаги тушунчаларнинг шарҳи мустақил тайёргарлик учун вазифа тарзида топширилади. Мазкур тушунчалар ҳақида кўшимча маълумотлар глоссарийда келтирилган.

“Блиц-ўйин” методи.

Методнинг мақсади: тингловчиларда қисқа вақт давомида ахборотни жамлаш ва таҳлил қилиш, қарор вариантини тайёрлашни режалаштириш, жараёни прогнозлаш кўникмаларини шакллантиришдан иборат. Мазкур методни ўтилган мавзунини ўзлаштирилганини баҳолаш ва мустақамлаш мақсадида қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Методни амалга ошириш босқичлари:

1. Дастлаб иштирокчиларга белгиланган мавзу юзасидан тайёрланган топшириқ, яъни тарқатма материалларни алоҳида-алоҳида берилади ва улардан материални синчиклаб ўрганиш талаб этилади. Шундан сўнг, иштирокчиларга тўғри жавоблар тарқатмадаги «якка баҳо» колонкасига белгилаш кераклиги тушунтирилади. Бу босқичда вазифа якка тартибда бажарилади.

2. Навбатдаги босқичда тренер-ўқитувчи иштирокчиларга уч кишидан иборат кичик гуруҳларга бирлаштиради ва гуруҳ аъзоларини ўз фикрлари билан гуруҳдошларини таништириб, баҳслашиб, бир-бирига таъсир ўтказиб, ўз фикрларига ишонтириш, келишган ҳолда бир тўхтамга келиб, жавобларини «гуруҳ баҳоси» бўлимига рақамлар билан белгилаб чиқишни топширади. Бу вазифани бажариш учун 15 дақиқа вақт берилади.

3. Барча кичик гуруҳлар ўз ишларини тугатгач, тўғри ҳаракатлар кетма-кетлиги тренер-ўқитувчи томонидан ўқиб эшиттирилади, ва тингловчилардан бу жавобларни «тўғри жавоб» бўлимига ёзиш сўралади.

4. «Тўғри жавоб» бўлимида берилган рақамлардан «якка баҳо» бўлимида берилган рақамлар таққосланиб, фарқ бўлса «0», мос келса «1» балл қуйиш сўралади. Шундан сўнг «якка хато» бўлимидаги фарқлар юқоридан пастга қараб қўшиб чиқилиб, умумий йиғинди ҳисобланади.

5. Худди шу тартибда «тўғри жавоб» ва «гуруҳ баҳоси» ўртасидаги фарқ чиқарилади ва баллар «гуруҳ хатоси» бўлимига ёзиб, юқоридан пастга қараб қўшилади ва умумий йиғинди келтириб чиқарилади.

6. Тренер-ўқитувчи якка ва гуруҳ хатоларини тўпланган умумий йиғинди бўйича алоҳида-алоҳида шарҳлаб беради.

7. Иштирокчиларга олган баҳоларига қараб, уларнинг мавзу бўйича ўзлаштириш даражалари аниқланади.

«Педагогик фаолиятда тизимли таҳлил усулидан фойдаланишнинг афзалликларини асослаш». Назарий билимларни амалиётга қўллаш техникаси.

Ҳаракатлар мазмуни	Якка баҳо	Якка хато	Тўғри жавоб	Гуруҳ баҳоси	Гуруҳ хатоси
Тизимли таҳлилнинг вазифалари					
Тизимли таҳлилнинг мақсади					
Тизимли таҳлилнинг асосий принциплари					
Янг, Голубков, SR каби моделлари					
Ахборот сифатини баҳолаш мезонлари					
Қарор ва унинг турлари					

III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

1-мавзу: ТИЗИМЛИ ТАҲЛИЛНИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ

Режа:

- 1.1. Тизимли таҳлил тушунчаси.*
- 1.2. Тизимли таҳлилнинг вазифалари.*
- 1.3. Педагогик фаолиятда тизимли таҳлил.*

Таянч иборалар: “изоҳ”, “шарҳ”, “таҳлил”, “tizim”, тизимли таҳлил, тизимли ёндашиш, бошқарувчанлик вазифаси, тизим модели, тизимли алоқадорлик, диагностик вазифаси, огоҳлантирувчи, билиш вазифаси, педагогик фаолият.

1.1. Тизимли таҳлил тушунчаси.

Ижтимоий ва маиший ҳаётда юзага келадиган турли ҳодиса ва воқеаларнинг ифодаланишига, жараёнларнинг юзага келиши ва кечишига (динамикасига) эътибор қаратсак, уларнинг замирида таълим-тарбия, аниқроғи, унинг ҳосиласи сифатида бирон бир хулқ модели намоён бўлишини кузатиш мумкин. “Бу масалага педагогик фаолиятнинг манфаати нуқтаи назари билан қараганда, таълим-тарбия бериш жараёнида профессор-ўқитувчилар қатор вазифаларни бажариши кузатилади. Бу вазифаларнинг муҳимлари сифатида - ахборот бериш, дунёқарашни шакллантириш, ҳаёт йўлини танлашни ўргатиш, маданийлаштириш, мулоқотга тайёрлаш (жумладан касбий), мақсадни шакллантиришни ўргатиш кабиларни кўрсатиб ўтиш мумкин”⁴. Юртбошимизнинг ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан билдирган табрик нутқида мазкур масалага алоҳида эътибор қаратиб, жумладан: “Бу дунёда ҳар қайси онгли инсон - қаерда ишламасин, қандай касбу - кор, лавозим эгаси бўлмасин, унга билим ва тарбия бериб, ҳаётга йўллаган мухтарам ўқитувчи ва мураббийлари олдида ҳамиша қарздорлик ҳисси билан яшайди. Ҳақиқатан ҳам, ўзининг кўз нури, қалб кўри, бутун борлиғини бағишлаб, барчамизга эзгуликдан сабоқ берган, отадек мўътабар, онадек меҳрибон сиз, азиз устозларнинг ҳеч нарса билан ўлчаб, баҳолаб бўлмайдиган машаққатли ва шарафли меҳнатингиз учун ҳар қанча таҳсин ва ташаккурлар айтсак, арзийди”⁵ деб таъкидлаган.

Бу вазифаларни амалга ошириш профессор-ўқитувчилар

⁴ Саров Р., Садриддинов С. Педагогик фаолият тизимини такомиллашувини таъминлашда тизимли таҳлил: функционал ёндашув // Ж. Замонавий таълим 2016, 2-сон. 23-бет.

⁵ <http://xs.uz/>

талаба(тингловчи)ларни фақатгина ўқув фаолиятини эмас, балки уларни ўзларини намоён этиш, дарсга ва атрофдагиларга бўлган муносабатини, интилишларини, қизиқишларини, эътиқоди ва таълимга бўлган муносабатини ҳам ўрганиб боришади. Бунда улар асосан кузатув, суҳбат (диагностик), контент таҳлил (ёзма назорат ишларини шарҳи), экспертча сўров (бошқа устозларнинг фикрини инобатга олиш (билиб олиш)), фаолият маҳсулини ўрганиш (ижобий ёки салбий хулқ моделини ўрганиш) каби усуллардан фойдаланиб, таҳлилни амалга ошириб, галдаги касбий вазифаларни белгилаш (касбий даражада қарор қабул қилиш) учун ахборот жамлайди. Ахборот алоҳида педагогик вазият, педагогик фаолият, шахсий ёки таълим олувчиларнинг ўқув фаолияти, шахсига, тингловчилар жамоасига тааллуқли бўлиши мумкин. Ахборот муаммога оидлиги бўйича шарҳланади, хулоса ва таклиф-тавсиялар ишлаб чиқилади. Бундан кўзланган мақсад тўғри қарор қабул қилиш жараёнини таъминлашдан иборат.

Кўриниб турибдики, педагогик фаолиятда турли мажмуавий хусусиятлари билан таҳлил алоҳида ўрин тутаяди. “Таҳлил алоҳида илмий тайёргарликни, турли илмий услубларни мақсадли танлаш ва ўринли қўллаш, ўрганилаётган муаммо бўйича билимга эга бўлишни талаб этувчи фаолиятнинг мураккаб туридир”⁶. Бугунги кунга қадар таҳлилнинг барчага мақбул бўлган, яъни унверсал модели яратилмаган (яратилиши ҳам мумкин эмас), аммо шунга қарамай жамият доирасида турли даражаларда таҳлил ва қарор қабул қилиш учун муҳим ҳисобланган таҳлилий манбаларга эҳтиёж ошиб бормоқда.

Касбий мулоқот давомида “таҳлил”, “изоҳ”, “шарҳ”, “талқин” каби тушунчалар кўп қўлланилади, бироқ уларнинг моҳиятига доимо ҳам эътибор қаратилмайди. “Изоҳ” тушунчаси, биринчидан, сўз, ибора, воқеа-ҳодиса ва бошқага бериладиган тушунтириш, шарҳ, тавсиф (масалан: сўз маъносининг изоҳи, қонун моддасининг изоҳи, шарҳи) кабиларни англатади. Аниқ контекстга (матнга) унинг айрим жойларига киритилган ёки муҳокама қилинаётган масалага берилган қўшимча маълумот, тушунтириш, эслатма, уқтириш маъноларини ифода қилади.⁷ Шарҳ эса тушунтириш, изоҳлаш, тавсифлаш, эслатма кабиларни билдириб, бирор нарсанинг мазмуни, моҳиятини очиқ бериш, тушунтириб бериш, изоҳлашдир.⁸ Таҳлил, тарқатиш, ёзиш, текшириш, суриштириш, ҳал қилиш, очиш деган маъноларни билдирсада, унга қуйидагича муносабат билдириш мумкин: таҳлил, мураккаб тафаккур операцияси ҳисобланиб, унинг ёрдамида предмет ва жараёнлар (ҳодисалар) аниқ ўлчов бирлигига эга бўлган усуллар воситасида яхлит тарзда ёки алоҳида қисмларини турли белги ва хусусиятлари бўйича алоқадорлик даражасини белгилаб беради. Кўрсатишича, таҳлил тушунчаси

⁶ Самаров Р. (ҳаммуаллифликда). Сиёсий матн таҳлили (методология, назария, амалиёт) / монография. - Тошкент: Akademiya, 2010. - 16 бет.

⁷ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Т.: Давлат илмий нашриёти, 2002. – 101 бет

⁸ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. - Т., 1981. – 553 бет.

қуйидаги таснифларга эга:

1. Нарса, ходиса ва шу кабиларни моҳият, қонуният ва бошқа жиҳатлардан текшириш, ўрганиш иши;

2. Бирор нарса, маълумот ва шу кабиларни маълум нуқтаи назардан ўрганиш, баҳолаш;

3. Бирор нарсанинг таркибини белгилаш ва унинг моҳиятини тадқиқ этиш.⁹

Педагогик фаолиятни такомиллаштиришда таҳлил амалий мазмун касб этиб, таълим-тарбиянинг сифатини таъминлаш учун хизмат қилади. Юзага келган педагогик муаммонинг (масалан, педагогик низо) сабабларини аниқлаш, уни кечишининг даврийлигини билиш учун, низонинг вужудга келишига таъсир кўрсатган омилларни, бунда аввало қайси қонуниятларга (улар табиий ёки сунъий бўлиши мумкин) амал қилинишини билиш лозим бўлади.

Таҳлил, интеллектуал фаолиятнинг юқори босқичи ҳисобланиб, ходиса, жараён (жумладан педагогик жараённи), рақам ва далилларни алоқадорлик даражасини белгилаб беришда намоён бўлади. Таҳлил, фаолият шакли сифатида ривожланиб, бугунги кунда таҳлилнинг турли шакли ва таҳлилнинг турли усуллари вужудга келди. Негаки, ҳар қандай муаммони, шу жумладан педагогик фаолият доирасида вужудга келадиган “Х-визият”ларни конструктив кечишини таъминлаш учун таҳлил амалий аҳамият касб этади.

“Инсонлар ҳамма вақт жамият ҳаётида содир бўладиган турли воқеа ва ходисаларнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш масаласи билан қизиқиб келишган. Даставвал, бунинг учун, воқеа ходисалар шаклан қиёсланиб, уларнинг мазмун ва моҳиятига кўп ҳам эътибор қаратилмаган бўлиши мумкин. Бу барча интилишлар ҳаёт давомида пайдо бўладиган турли тўсиқларни бартараф этиш, пайдо бўлган муаммоларнинг ечимини топиш мақсадида амалга оширилганки, уни биз шартли равишда таҳлилий фаолият шаклланишининг биринчи босқичи деб кўрсатсак хато қилмаган бўламыз”¹⁰. Ю.Сурмин “Теория систем и системный анализ” деб номланган ўқув кўлланмасида: таҳлилий фаолиятнинг ибтидоси Сукротга бориб такалади, масалаларни ҳал этишда у диалогдан (муаммони ечимини топиш (аниқлаш) усули сифатида –С.Р.) фойдаланиб, мунозаралар асосида далилларни келтиришга мушарраф бўлган¹¹ деб муносабат билдирган.

Тизимларни тавсифлашда уларнинг турли жиҳатларига эътибор қаратилади, тизимни тавсифлашда қуйидаги босқичларга амал қилинади:

Функционал тавсиф босқичи, бунда алоҳида функциялар кўриб чиқилади, яъни тизим фаолиятининг алгоритмларига эътибор қаратилади. Функция деганда, мақсадга етакловчи хоссалар назарга тутилади. Бунда

⁹ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Т.: Давлат илмий нашриёти, 2004. – 41 бет.

¹⁰ Самаров Р. Ижтимоий тараққиётни таъминлашнинг назарий-амалий жиҳатлари // Муҳофаза + журнали. 4 – сон, 2011 (78). 4-бет.

¹¹ Сурмин Ю. П. Теория систем и системный анализ: Учебное пособие. - Киев: МАУП, 2003. – С. 242.

функционал ёндашув асосида тизимнинг бажариладиган функциялари баҳоланади. Тизимнинг фаолиятмандлигини аниқлаш тизим ҳолатини белгилаш, тактизимларни бошқариш қонуниятларини белгилаб олиш учун имконият яратади.

Морфологик тавсиф босқичида тизим ажратган унсурларнинг таркиби ва уларнинг алоқадорлик даражаси ҳамда тизимнинг тузилмавий жиҳатлари тасвирланиб, тасвирнинг тўлиқлиги ва қисмларга ажратилганлиги кўрсатилади.

Ахборотли тавсиф босқичида тизимнинг функционал ва морфологик хусусиятларини ички ва ташқи ахборотларнинг сифати билан боғлиқлиги белгилаб олинади.

Тизим маълум муносабатлар воситасида атроф-муҳит билан ўзаро алоқада бўлишидан далолат беради. Бу муносабатлар ўзида:

- ташқаридан келадиган (стимул) турткиларни – (inputs) **киришларни** ва атроф-муҳитга чиқадиган барча таъсирларни – (outputs) **чиқишларни** жамлайди.

Тизимга нисбатан турткилар, яъни стимуллар икки хил шаклда бўлиши мумкин. Уларга талаб ва қўллаб-қувватлашни келтириш жоиздир.

Талаб-турткилар (стимуллар) қуйидаги шаклда амал қилади:

- кадриятлар ва хизматчиларнинг иш ҳақи, меҳнат шароитлари, таълим, соғлиқни сақлаш ва бошқаларни тақсимлашга оид (стимул) турткилар;

- феъл-атворни тартибга солишга оид (стимул) турткилар (барқарорликни таъминлаш);

- коммуникация ва ахборотга оид турткилар. Буларга, ахборотдан эркин ва тенг фойдаланиш ҳуқуқи ва бошқалар киради.

Қўллаб-қувватлаш турткилар (стимуллар)га қуйидагиларда ифодаланади:

- фуқароларнинг қонунларга риоя қилиши;
- ижтимоий ҳаётда фаол иштирок этиши;
- раҳбариятга муносабати ва расмий қонуний ахборотга эътибори;
- хизматлар кўрсатиши ва тизимни моддий жиҳатдан молиялаштириши.

Киришга келувчи талаб-турткилар ва қўллаб-қувватлаш турткилари тизим томонидан **чиқиш** сигналларига айлантирилади ёки қуйидаги кўринишга эга бўлади:


- қонун меъёрларни яратиш;
- кадриятлар ва вазифаларни тақсимлаш;
- жамиятда хулқ ва ўзаро алоқаларни тартибга солиш.

Чиқиш сигналлари атроф-муҳит – шу идора ходимлари жараёнга маълум таъсир кўрсатади, жавоб қайтаради.

“Тизим” тушунчаси ўз моҳиятига кўра, иерархик жараён, чунки у

тизим ҳақида тушунчаларнинг худди тизимнинг ташқи муҳит билан ўзаро ҳамкорлигини ифодалайдиган, йирикроқ тизимнинг айрим қисми, ўзининг баъзи яхлитлиги ва шахсий бўлакчалари йиғиндисини кўзлайди.¹² Тизимнинг муҳим жиҳати воқеликнинг ички таркибий қисмларига эгалиги, ушбу қисмлар орасида поғанали буйсунишнинг юзага келиши ҳамда бу қисмларнинг нисбий мустақиллигида акс этиши бўлиб, муҳит (1-чизма) билан алоқада бўлади. “Тизим” тушунчаси ўз моҳиятига кўра, иерархик жараён, чунки у тизим ҳақида тушунчаларнинг худди тизимнинг ташқи муҳит билан ўзаро ҳамкорлигини ифодалайдиган, йирикроқ тизимнинг айрим қисми, ўзининг баъзи яхлитлиги ва шахсий бўлакчалари йиғиндисини кўзлайди.¹³ Тизимнинг муҳим жиҳати воқеликнинг ички таркибий қисмларига эгалиги, ушбу қисмлар орасида поғанали буйсунишнинг юзага келиши ҳамда бу қисмларнинг нисбий мустақиллигида акс этишидир¹⁴.

1-чизма.



Ижтимоий тизимнинг назарий модели.

Шунингдек илмий адабиётларда “тизим” ва “система” иборалари синоним, айнан бир хил маъноли сўзлар тарзида қўлланади. Фалсафий комусий луғатда: “тизим”, система (қисмлардан иборат бутун) – ўзаро муносабат ва алоқада бўлган, муайян яхлитликни ҳосил қилувчи кўп қисмлар

¹² Самаров Р. Хавфсизликнинг методологик асослари / монография. – Тошкент: Akademiya, 2010. 84–85 – беглар.

¹³ Ўша манба.

¹⁴ Қаранг: Блауберг И.В., Юдин Б.Г. Понятие целостности и его роль в научном познании. – М., 1972. – С.16; Афанасьев В.Г. Системность и общество. – М., 1980. – С.21-31.

(элементлар) мажмуи”- деб таъриф берилган¹⁵. Яна шу манбада қуйидаги изоҳларни учратиш мумкин. “Система” – яхлит бир бутунлик сифатида ташкил топган объектни ифодаловчи ижтимоий-фалсафий категория. Одатда, системани энг муҳим умумий тарзида элементлар ўртасидаги ўзаро алоқалар бирлиги сифатида таърифлайдилар. “Система” тушунчаси ўз маъносига кўра “алоқа”, “элемент”, “бутун”, “бирлик”, “структура”, (элементлар ўртасидаги алоқалар схемаси) тушунчалари билан боғлиқ. Ушбу ўринда системали тадқиқ этишнинг асосий вазифалари: система элементлари, алоқалари ва структурасини, элементлар ўртасидаги боғлиқликни ажратишдир. Системанинг моҳиятини методологик тушунишга кўра системалилик объект ва ҳодисанинг ўз хоссаси деб эмас, балки фаолиятнинг аниқ бир мақсадга йўналтирилиши, тафаккурни ташкил этиш сифатида таърифланади¹⁶.

1.2. Тизимли таҳлилнинг вазифалари.

Таҳлилга (жумладан тизимли таҳлилга) бугунги кунда фаолиятнинг алоҳида тури сифатида қараб келинмоқда. Негаки, турли даражалардаги (тезкор, стратегик ва б.) бошқарувда таҳлилий фаолиятнинг маҳсули бўлмиш шарҳ, маълумотнома, изоҳ, ҳисобот, хабарнома, йўриқнома, мурожаатнома кабиларга ҳаётимизнинг турли соҳаларининг равнақини таъминлаш мақсадида мурожаат этиб келинмоқда. Таҳлилий фаолият маҳсули ижтимоий тараққиётнинг ривожланиш жараёнини босқичларга ажратиб, ижобий ва салбий жиҳатларини белгилаб, бажариладиган галдаги вазифаларни аниқлаб олиш учун амалий хизмат қилади. Бунда таҳлилнинг нисбатан мукамал тури сифатида тизимли таҳлил алоҳида ўрин тутаяди. Бизнингча, **тизимли таҳлил деб, мураккаб ҳисобланган ижтимоий, сиёсий, ҳарбий, иқтисодий, илмий характерга эга бўлган масалаларни ўрганиш учун қўлланиладиган тўрттадан кам бўлмаган, бир бирини тўлдирувчи усуллар ёрдамида амалга ошириладиган онгли ҳаракатлар кетма-кетлигини тушуниш лозим.**

Ижтимоий тараққиётни таъминлашда таҳлилий фаолиятнинг тутган ўрнини инобатга олсак, уни ижтимоий аҳамиятлилиқ даражаси қай даражада юқори эканлигини тушуниш қийин эмас. Негаки, айнан таҳлилий манба (диссертация, монография, илмий мақола, шарҳ, ҳисобот, маълумотнома, тақриз ва бошқа шу шаклдаги манба бўлиши мумкин) воситасида соҳа вакиллари стратегик мазмунга эга бўлган масалаларни мазмун-моҳиятини изоҳлаб, ижтимоий, иқтисодий, маданий ва сиёсий соҳалар тараққиётини таъминлашнинг асосий вазифаларини белгилаб беради.

Таҳлилнинг ривожланиш тарихи ҳар бир минтақада ўзига хос тарзда ривожланган бўлиб, Ғарб мамлакатларида бу хусусда бир қатор ютуқлар қўлга киритилган. Э. Жонсоннинг ёзишича, “XX асрнинг 90-йилларида

¹⁵ Фалсафа: Қомусий луғат / Тузувчи ва маъсул муҳаррир Қ.Назаров. – Т.:Шарқ, 2004. 399 – бет.

¹⁶ Ўша жойда. 370 – бет.

биргина Вашингтонда юзга яқин таҳлилий марказлар мавжуд бўлган”.¹⁷ 2000 йилдан сўнг, умуман, дунёда таҳлилий фаолиятга эҳтиёжнинг ўсиши кузатилди. Бунга мисол тариқасида таҳлил марказларининг умумий сони 4,5 мингга етганлигини¹⁸ кўрсатиб ўтиш мумкин. 2009 йилнинг охирларига келиб эса уларнинг сони 5,5 минг тани ташкил этади.¹⁹ Бу кўрсаткич таҳлилнинг соҳавий ривожланиши стратегик бошқарув нуқтаи назари билан қараганда зарурият эканлигини кўрсатади.

Таҳлил фаолият сифатида бунёдкор, мушоҳадали ва ижодкор инсон томонидан амалга оширилиши натижасида шахс, жамият ва давлат ҳаёти билан боғлиқ бўлган манфаатлар таъминланади.

Тизимли таҳлил этиш учун ҳар қандай объект танланиши мумкин. Аммо, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маданий институтлар²⁰ танланса, бунда улар яхлит тарзда танланиб, метрик усуллар асосида ўрганилиши мақсадга мувофиқдир. Таҳлил этиш жараёнида уларни мақсади, амал қилиш қонуниятларини инобатга олиш талаб этилади.

Тизимли таҳлил асосида қарор қабул қилиш учун турли кўринишга эга бўлган манба тайёрланади. Педагогик фаолият доирасида бу маъруза, тезис, ҳисобот, тавсиянома тарзида ҳам бўлиши мумкин. Чунки тизимли таҳлилнинг бир қатор вазифалари мавжуд бўлиб, улар ҳақида аниқ тушунчага эга бўлиш, таҳлилий фаолиятни мазмундорлигини таъминлаш учун хизмат қилади. Уларнинг муҳимларини келтириб ўтаемиз:

Тизимли таҳлилнинг бошқарувчанлик функцияси.

Тизимли таҳлилнинг диагностик функцияси.

Тизимли таҳлилнинг огоҳлантирувчи функцияси.

1.3. Педагогик фаолиятда тизимли таҳлил.

Педагогик тизим доирасида таҳлилни амалга ошириш учун, тизимли таҳлилнинг хусусий жиҳатлари амалий мазмун касб этади, бу хусусда фикр юритишдан олдин, педагогик тизим ҳақида муносабат билдирамиз. Педагогик тизим, бу ягона мақсад сари, аниқроғи шахснинг камолотини таъминлаш учун ўзаро алоқадор бўлган, бир бирини тўлдирувчи, такомиллаштирувчи, сон ёки сифат кўрсаткичи бўйича бир хосса ўзгарса албатта иккинчи хосса ҳам ўзгарадиган, турли тузилмавий таркиблардан (яъни: педагогик фаолият, педагогик жараён, педагогик ҳамкорлик, педагогик мавжудлик (амалиёт)) иборат бўлган мажмуадир (яхлитликдир).

Фанда таҳлилнинг бир қатор турлари мавжуд бўлиб, фан соҳалари доирасида улар турли хоссалари бўйича тавсифланишини алоҳида кўрсатиб ўтиб, муҳимларини келтирамиз: - функционал таҳлил, институционал таҳлил,

¹⁷ Erik C. Johnson How Think Tanks Improve Public Policy. <http://www.cipe.org/e21/priE21.html>

¹⁸ Қаранг: J. McGann. Think Tanks and Transnationalization of Foreign Policy // US Foreign Policy Agenda. 2002. Vol. 7. No 3., The Leading Public Policy Research Organizations in the World. Philadelphia. 28.07.2010. - P. 15.

¹⁹ <http://gtmarket.ru/news/state/2009/01/12/1888>

²⁰ Институт лотинча “institutum” сўзидан келиб чикқан бўлиб, “ўрнатиш” ёки “ташқилот” деган маънони англатади.

трендлар таҳлили; фрагментар таҳлил; ивент таҳлил; мифологик таҳлил, графикали таҳлил, прогнозларнинг таҳлили, аксиологик таҳлил, прагматик таҳлил, праксеологик таҳлил, дастурлар таҳлили, муаммоли таҳлили, концептуал таҳлил, вазиятли таҳлил, сюжетли таҳлил, жузъий ўзгаришлар кўрсаткичининг таҳлили, сабаб-оқибат боғлиқлиги таҳлили, корреляцион таҳлил, кластерли таҳлил, семантик таҳлил, дискурс таҳлил, даражали таҳлил, қиёсий (жумладан жуфтли) таҳлил, ресурсларнинг таҳлили, мантиқий-лингвистик таҳлил ва б.

Таъкидлашча “Педагогик тизим доирасида таҳлилни амалга ошириш учун, онгли ҳаракат технологиясига (2-чизма) амал қилиш самарали натижалар бериши эҳтимолдан холи эмас.

Вазифадорлигига (функционаллигига) кўра, онгли ҳаракат технологияси таҳлилни амалга оширувчини таҳлилий фаолиятининг самарадорлигини таъминлаб, ахборий ва интеллектуал каби ресурслардан фойдаланиш жараёнини такомиллаштиради. Самарадорлик қуйидаги мантиқий хоссаларда ифодаланади: таҳлилни амалга ошириш учун вақтни тежашда, муаммони ечимини топиш учун илгари суриладиган фаразни тўғри тузишда, таҳлилни амалга ошириш учун воситаларни (усулларни) мақсадли танлашда, таҳлилни амалга ошириш учун муаммонинг (вазиятнинг) характерини инобатга олишда, муммони ечиш учун белгиланадиган муддатни аниқ белгилашда, қарор қабул қилиш учун турли вариантли ечим йўллари белгилаб олишда, тавсияларни манзилли тайёрлаш кабиларда”²¹.



2 - чизма. Онгли ҳаракат технологияси.

Демак, таҳлил, шу жумладан тизимли таҳлил ўз соҳасининг билимдони, янгиликларга интилувчи-бунёдкор, чуқур мушоҳада юрита оладиган-ижодкор инсон-мутахассис томонидан амалга оширилиши натижасида педагогик меҳнат, шахс, жамият ва давлат ҳаёти билан боғлиқ бўлган манфаатларни ҳимояси таъминланади. Педагогик тизим доирасида бу масала алоҳида мазмун касб этиб, истиқболга қаратилганлиги, миллат, ватан

²¹ Самаров Р., Садриддинов С. Педагогик фаолият тизимини такомиллашувини таъминлашда тизимли таҳлил: функционал ёндашув // Ж. Замонавий таълим 2016, 2-сон. – Б. 23-30.

тақдири билан бевосита боғлиқ бўлганлиги жиҳатидан стратегик масалалар сирасига таллуқли бўлиши билан ҳам аҳамиятлидир.

Назорат саволлари:

1. Тизимли таҳлил деганда нимани тушунасиз?
2. Педагогик вазиятни тизимли ўрганишдан кўзланган мақсад нимадан иборат?
3. Тизимнинг вазифалари нималардан иборат?
4. Педагогик тизимнинг мақсад ва вазифаларини ажрата оласизми?
5. Тизим тушунчасининг моҳитини биласизми?
6. Тизим остилар деганда нимани тушунасиз?
7. Номаълум (X-педагогик) вазият деганда нимани тушунасиз?
8. Тавсиф ва шарҳ тушунчаларини қиёсий таҳлилини амалга ошираоласизми?
9. Тизимнинг структураси деганда нимани тушунасиз?
10. Тизимларни қандай турлари бор?
11. Педагогик тизимнинг тизимостиси деганда нимани тушуниш лозим?
12. Моделни қандай турлари бор?
13. Тизимости алоқадорлик деганда нимани тушунасиз?
14. Тизимли таҳлилнинг мақсади нимадан иборат?
15. Тизимли таҳлил усулининг вазифаларини шарҳлай оласизми?

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон нашриёти – матбаа ижодий уйи, 2014. – 73 б.
2. Ўзбекистон Республикаси “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”. – Т., 1997.
3. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008.
4. Новосельцев В.И. Системный анализ: современные концепции. – Воронеж: Кварта, 2002.
5. Самаров Р. (ҳаммуаллифликда). Сиёсий матн таҳлили (методология, назария, амалиёт). - Тошкент: Akademiya, 2010.
6. Самаров Р. Хавфсизликнинг методологик асослари. - Т.: Академия, 2010.
7. Самаров Р., Садриддинов С. Педагогик фаолият тизимини такомиллашувини таъминлашда тизимли таҳлил: функционал ёндашув // Ж. Замонавий таълим 2016, 2-сон.

8. Ғозиев Э., Самаров Р. Илмий ижод ва олимнинг шахси // Ж. Таълим муаммолари. 2014. 2 – сон.

9. Systems Thinking: Managing Chaos and Complexity, Jamshid Gharajedaghi, Butterworth Heinemann, Oxford, 1999.

2-мавзу: ПЕДАГОГИК ФАОЛИЯТДА ТИЗИМЛИ ТАҲЛИЛНИ АМАЛГА ОШИРИШ МЕТОДЛАРИ

Режа:

- 2.1. Тизимли таҳлилни амалга ошириш методлари.
- 2.2. Умумий ва хусусий методлар.
- 2.3. Натижаларни шарҳлаш технологияси.

Таянч сўз ва иборалар: сўров, ҳужжатларни ўрганиш, фаолият маҳсулини ўрганиш, алоҳида ҳолатларни ўрганиш, қиёслаш, суҳбат, интервью, кузатиш, социометрия, тест, эксперимент, моделлаштириш, прогнозлаш, экстраполяция, тизимли – структуравий, тизимли - функционал, тизимли - коммуникатив, тизимли - интегратив, тизимли – тарихий, натижа, шарҳлаш модели.

2.1. Тизимли таҳлилни амалга ошириш методлари.

Тизимли таҳлилни умумий ва хусусий жиҳатларини инобатга олиб, педагогик фаолият доирасида уни амалга ошириш учун тўрттадан ортиқ тадқиқий усуллардан восита сифатида фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Гарчи, педагогик фаолият доирасида тизимли таҳлил усулидан фойдаланишга оид алоҳида ёндашув бўлмасда, аммо педагогик реалликни амалий жиҳатларидан келиб чиққан ҳолда мазкур масалага функционал тарзда ёндашиш мақсадга мувофиқдир.²²

Усул, бирон бир натижага эришиш воситаси ҳисобланиб, реалликни амалий ёки назарий жиҳатдан ўрганиш тарзи. Муаммони алоҳида тартиб асосида ўрганиш учун қўлланиладиган ҳаракатлар кетмакетлигини таъминлаш учун, аниқ ўлчов бирлигига (сон, фоиз, балл, грамм, килограмм, шакл, ранг, коэффицент, ўрин ва б.) эга бўлган мажмуадир. Тизимли таҳлилни амалга ошириш учун турли усуллар танланиши мумкин. Нисбатан кўпроқ қўлланиладиганлари сифатида қуйидагиларни кўрсатиб ўтиш мумкин:

- сўров (анкета тарзида ёзма, оғзаки савол-жавоб (масофали)) усули;
- ҳужжатларни ўрганиш (ДТС, ҳисобот, хулосалар ва б.) усули;
- фаолият маҳсулини ўрганиш (иншо, мақола, талабаларнинг билими ва б.) усули;
- алоҳида ҳолатларни ўрганиш (алоҳида педагогик вазиятни. Масалан, аълочилар гуруҳини, фаолларни ва б.) усули;

²² Қаранг: Колесникова И.А. Педагогическая реальность: опыт межпарадигмальной рефлексии / Курс лекций по философии и педагогике. - СПб., 2001.

- қиёслаш (рақамлар, далиллар, билдирилган фикр ва муносабатларни қиёслаш) усули;

- суҳбат (нутқ мулоқоти ёрдамида бевосита ёки билвосита маълумот олиш) усули.

- биографик (кишини унинг таржимаи ҳоли билан боғлиқ бўлган хужжатлар орқали ўрганиш) усул;

- интервью (муаммога оид бўлган саволларга берилган жавоб тариқасида ахборот тўплаш) усули;

- кузатиш (кишининг ҳаракатларида намоён бўладиган турли ҳолатларни ҳисобга олиш, бирон бир жараёни кечишига оид ахборот олиш) усули;

- социометрия (Ж. Морено томонидан тавсия этилган бўлиб, ўзаро муносабатлар тузилиши билан психологик қовушувчанликни аниқлаш мақсадида гуруҳ ва жамоалардаги шахслараро муносабатларни ўрганиш. Бугунги кунда социометрияни турли вариантлари ишлаб чиқилган) усули;

- тест (стандартлаштирилган синов бўлиб, унинг ёрдамида у ёки бу хилдаги психик жараён баҳоланиб, шахсни бир бутунлигича ўрганиш мумкин) усули;

- эксперимент (муаммоли вазиятни ҳал қилиш жараёни, шахснинг ҳис-туйғулари, характери, қобилияти, ақл-заковатини ўрганиш мумкин. Бунда, объектга таъсир этадиган барча омиллар катъий назорат қилган ҳолда кузатилади) усули;

- моделлаштириш (жараёни билвосита ўрганишга асосланган бўлиб, бунда бирон объектнинг хусусиятларини ўрганиш учун махсус равишда тузилган бошқа объектда қайта ҳосил қилиш тушунилади) усули;

- прогнозлаш (бирор-бир ҳодисанинг келажакдаги ҳолати ҳақидаги мулоҳаза) усули;

- экстраполяция (лот. ekstra-тез, polio-силлиқлайман, тўғрилайман) бирор ҳодисанинг алоҳида қисмини кузатиш натижасида олинган хулосани шунга ўхшаш ҳодисанинг бошқа бир қисмига, бошқа ҳудудига (манзилга, жойга) тадбиқ этиш) усули.

Шу билан бирга **биографик ва тарихий-қиёсий усулларни ҳам кўрсатиб ўтиш мумкин.**

Биографик метод (юнон тилида bios – ҳаёт, grapho – ёзаяпман) – шахс ҳаёт йўлини тадқиқ этиш, ташхислаш, коррекциялаш, режалаштириш услуги. Биографик усул XX асрнинг биринчи чорагида татбиқ этила бошланди. Бирламчи биографик усуллардан ёрдамида сиёсатчилар, тарихий шахслар ўтмишдаги сиёсий ҳаётни ретроспектив таҳлил этиш мақсадида фойдаланилган. Кейинчалик бунга муҳим ва келажакда бўлиши мумкин бўлган ҳодисаларни (бўлажак автобиография, бошқариладиган фантазия, ҳаётни режалаштириш, каузометрия)ни, шунингдек, шахснинг мулоқот доирасини (қўшимча биография, субъектнинг муносабатлар доирасини) кўшишди. Замонавий биографик методлар сиёсатчи шахсини тарихий,

ижтимоий ва индивидуал борлиқ доирасида ўрганишга асосланган бўлиб, шахс ривожининг сценарийси ва ҳаётий дастурлари, унинг касбий, оилавий, маънавий, табиий ва ижтимоий маконда «макон-вақт» доирасида таҳлил этади. Биографик методларни қўллашда сўровнома, интервью, тест, яқинларининг кўрсатмалари, замондошларининг хотиралари, фаолият маҳсулини ўрганиш(хатлари ва кундаликларини, маърузалари нутқларининг контент-таҳлили ва б.)дан манба ва восита сифатида фойдаланилади.

Тарихий-қиёсий усулларга тарихий тавсиф, аниқ таҳлил, қиёслаш, даврийлаштириш, хронологик, муаммоли-хронологик, ретроспектив, истиқболни белгилаш, тарихий аналогик ва бошқа услублар киради. Қиёсий-тарихий услублар сиёсий-психологик далиллар ва ҳодисалар юзага келганда ҳамда амалга ошганда, ривожланишнинг турли босқичларида сифат кўрсаткичи жиҳатидан ўзгариб боришини тарихий муҳит билан узвий боғлиқ ҳолда ўрганиш имконини беради.

Шу аснода тизим деганда, нафақат тизимнинг (бошқариш объектининг) ўзаро боғланган таркибий қисмларини йиғиндиси ва унинг ўзаро ички боғлиқлик даражалари тушунилиши лозим. Балки ташқи алоқадорликларни даражалари ҳам унинг таркибига киришини инобатга олиш мақсадга мувофиқдир. Бу ўз навбатида тизимли таҳлилни амалга ошириш йўлини, яъни ёндашувни белгилаб олишни тақозо этади.

Таҳлил, бу турли ҳажм ва мазмундаги ахборотни жамлаб, манба шаклига келтириш бўлиб, бунга тизимли ёндашиш мақсадга мувофиқдир. Тизимли ёндашиш, бу объектни яхлит мажмуа сифатида ўрганишга асосланган методология, илмий англашни таъминловчи “йўл”дир. Фанда, тизимли ёндашув турли фан соҳаларининг вакиллари томонидан шакллантирилган. Тизимли ёндашув, бу ўзаро алоқадор бўлган жиҳатларни камраб олган мажмуа бўлиб, таҳлилни амалга оширишда методология вазифасини бажара олади. Булар:

– тизимли – хоссавий (элементли), тизим нималардан таркиб топган деган саволга жавоб топиш учун хизмат қилади;

– тизимли - структуравий, тизимни ички тузулишини, унинг таркибларини таъминлашувини белгилаш учун хизмат қилади;

– тизимли - функционал, тизим ва уни вужудга келтирувчи қандай вазифаларни бажаришини ажратиб бериш учун хизмат қилади;

– тизимли - коммуникатив, тизимнинг бошқа тизимлар билан горизонтал ва вертикал алоқадорликларни моҳиятини белгилаш учун хизмат қилади;

– тизимли - интегратив, тизимнинг сақланиш механизми, сақланиш омиллари ва такомиллашувини белгилаш учун хизмат қилади;

– тизимли - тарихий, “тизим қандай шаклланган?”, “ривожланиш давомида қандай босқичлардан ўтган?”, “тизимни истиқболи қандай?” деган саволларга жавоб бериш учун хизмат қилади.

Кўриниб турибдики, тизимли ёндашув, бу тизимли таҳлилни амалга

ошириш йўлини белгилаб бериш учун хизмат қиладиган мажмуа ҳисобланади.

Тизимни (объектни) бошқаруви билан боғлиқ бўлган масалани хавфсизликни таъминлаш назари асосида тизимли таҳлил қилишни тадқиқотчи қўйидаги кетма-кетликда амалга ошириши мақсадга мувофиқ:

- ўзининг илмий салоҳиятини инобатга олиб, тадқиқотнинг вазифа ва мақсадини (яъни, истиқболдаги истакли ҳолатини) белгилаб олиши;

- таҳлил учун танланган тизимни (бунда фаолият соҳалари назарга олинган) ҳамда ташқи муҳитнинг ривожланиш тарзи ва прогнозини тадқиқотда белгиланиши;

- ташқи муҳит омилларини (истеъмолчилар бозори, мол етказиб берувчи ҳамда рақобатчилар ва бошқалар) тадқиқ қилиб, унинг истиқболини белгилаши;

- мақсад ва вазифаларнинг тизим тузилиши(яратилиши)да ифодаланишини белгилаб олиши лозим.

2.2. Умумилмий ва хусусий методлар.

Ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жараёни давомида табиий тарзда вужудга келадиган ҳар қандай мазмундаги муаммоларни/ўзгаришларни тизимли ўрганиш галдаги ривожланиш босқичига, яъни миқдорий кўрсаткичдан, сифат кўрсаткичига ўтишни таъминлаш учун хизмат қилади. Бу ўз навбатида жараённи илмий ўрганишни (билишни) тақозо этадики, бунда абстракция, индукция ва дедукция каби методлардан фойдаланишни тақозо этади.

Билиш, оламнинг инсон онгида акс эйтириш жараёни ҳисобланиб, инсон ўзини қуршаб олган атроф-муҳит тўғрисида билим ва тасаввурга эга бўлмай туриб, фаолиятнинг бирон-бир тури билан шуғуллана олмайди. Б.нинг махсули, натижаси билим бўлиб, билимлар маиший, илмий ва махсус каби турларга ажратилади. Ҳар қандай муаммони ўрганиш учун билим керак бўлади ва таҳлилни амалга ошириш давомида эҳтиёж сифатида, касбий зарурият кўринишида намоён бўлади.

Ҳар қандай билиш мавҳумлик жараёнлари билан заруран боғлиқ. Бу жараёнларсиз нарса(жараён)нинг моҳиятини очиб бериш, унинг “ичи”га чуқур кириш мумкин эмас. Нарса(жараён)ни бўлақларга бўлиш, ундаги муҳим жиҳатларини қисмларга ажратиш, уларни “соф” ҳолида ҳар томонлама таҳлил қилиш, тафаккурнинг мавҳумлаштирувчи фаолияти натижасидир. Шу сабабли муаммони ўрганишда жараёнида абстракциянинг аҳамияти жуда катта. Абстракция нечоғлик чинакам илмий бўлишига қараб амалиёт мезони тарзида хизмат қилади.

Абстракция (лот. *abstaktio* – мавҳумлик) билиш шаклларида бири бўлиб, у нарса(жараён)ларнинг бир қанча хоссаларини ва улар ўртасидаги алоқадорлиларни фикран назардан соқит қилишдан ҳамда бирон бир хосса ёки муносабатни ажратиб кўрсатишдан иборат. Назардан четлатиш жараёни


абстракциялаш махсули ҳисобланиб, воқеа, ҳодиса, предметлар кузатилаётганда ниҳоясизлик абстракцияси, “санаб чиқилган”, “тугалланган” абстракцияларидан фойдаланиш мумкин.

Ҳар муаммони ўрганишда абстракциясиз бирор бир натижага эришиб бўлмайди. Унингсиз предмет(жараён)ни моҳиятини очиш, унинг ички табиатига кириш мумкин эмас. Нарса, ҳодиса, предметни бўлақларга бўлиш, уларни муҳим тамойилларини ўрганиш, бўлақларга ажратиш абстракция методи орқали бажарилади.

Тизимли таҳлил этиш жараёнида, фикр, мураккабликдан оддийликка, тасодифдан заруратга қараб, хилма-хилликдан айниятга ва бирликка қараб ҳаракат қилади. Шу сабабли, тизимли идрок алоҳида ўрин тутаяди. Чунки, тизимли таҳлилнинг мақсади қисмларни, мураккаб бутуннинг унсурлари сифатида ўрганиб, улар ўртасидаги алоқа ва қонуниятларни алоқадорлик даражасини белгилаб олишдан иборат. Бирок, тизимли таҳлил жараёнинг моҳиятини ажратиб, мавҳум ҳолда қолаётган бирлик, хилма-хилликдаги бирликни очиш учун хизмат қилади. Бунда синтезлашув жараёни вазифадорлиги жиҳатидан муҳим ўрин тутиб, таҳлил давомида ажратилган қисмлар, хоссалар, муносабатларни ягона бир бутунликка келтириш учун хизмат қилади. Синтез бирликдан, тафовутга ва хилма-хилликка қараб йўналтирилган бўлиб, умумийлик ва хусусийликни, бирлик ва хилма-хилликни муайян органик яхлитликга бирлаштиради.

Майдонини кегайтириши бўйича мураккаб вазиятга туширсада, аммо тадқиқотчининг таҳлилий фаолиятининг мазмундорлигини таъминлайди. Чунки ўрганилаётган жараёнга таъсир кўрсатадиган барча омиллар (субъекти, объектив)нинг таъсир кўрсатишини даражавийлигини (улар, кучли таъсир кўрсатади, тўлдирувчи тарзида амал қилиши мумкин) белгилаб олиш имкониятини яратади. Бу ўз навбатида тизимли таҳлил турининг тузулишига оид тасаввурга эга бўлишни тақозо этади. Назарий мулоҳазалар ва тажрибанинг ҳулосавий натижаларига суяниб тизимли таҳлилнинг назарий моделини (2 – чизма) келтирамыз.

Тизимли таҳлилни амалга оширишда умумилмий ва хусусий методларни қўллашнинг назарий модели



2.3. Натижаларни шарҳлаш технологияси.

Тизимли таҳлилни муваффақиятли кечиши, авваламбор, таҳлининг мақсадини қанчалик тўғри қўйилганлиги, ҳал қилиниши зарур ҳисобланган масала тадқиқотчи томонидан етарли даражада тушунилганлиги ва иккинчи навбатда танланган методлар қай даражада муаммони ўрганишга боғлиқ. Шундагина, педагогик фаолиятда тизимли таҳлилнинг муҳим томонларидан ҳисобланган, муайян педагогик муаммони бартараф этишда зарурий чоратадбирлар мажмуасини ишлаб чиқиши ҳамда унинг таркибий қисмларини белгилаб берувчи амалий тавсиялар манзилли бўлиши таъминланади. Бунда жамланган маълумотларни шарҳлаш алоҳида ўрин тутаяди.

Шарҳ, бу маълум педагогик муаммо бўйича (ҳар қандай ташувчиларда) энг муҳимларининг қисқа ва кетма-кет баёни, яъни муайян босқичлар давомида метрик услублар воситасида жамланган барча маълумотларни ёки асосий қисмини умумлаштириш ва баҳолаш натижасида ўрганиладиган манбадир. Манба турли кўринишларда бўлиши мумкин, яъни сўров ёки тест натижаси, шикоят ёки мурожаат хати, рақамлар ва шу кўринишда. Уларни бари матн шаклида келтирилган бўлиши мумкин.

Шу сабабли, матнда бирор бир савол ёки бир қатор саволларнинг йиғма тавсифномаси, синтезлаштирилган маълумот бўлиб, улар муайян бир вақт давомида тайёрланган бўлади. Бу ўз навбатида таҳлилни амалга оширувчидан қуйидаги билим турларидан фойдаланишни тақозо этади.

Эмпирик билим (экспериментал) табиат қонунлари ва инсоният эволюциясини кимё, физика, археология, ботаника, зоология, палеонтология каби бошқа фанларда ўрганилиши жараёнида олинадиган билимлар.

Мантиқий билим (таҳлилий) математика, астрономия, молекуляр физика ва бошқалар. Бу, инсоннинг чуқур ўрганиши жараёни натижасида юзага келадиган кенг билимдир. Бу ерда олдиндан билиш ва ҳис этиш муҳим рол ўйнайди;

Бадиий билим - адиб, мусиқачи, мусаввирларнинг фаолиятига дахлдор бўлиб, объектив борлиқни бадиий услублар ёрдамида акс эттиради.

Маиший билим - анъаналар, хатти-ҳаракатнинг меъёр ва қоидалари, миллий ўзига хосликларга тааллуқли маълумотлар мажмуасидир.

Тезкор билим - инсоният ҳамжамиятининг сиёсий, ҳарбий, ижтимоий-иқтисодий муаммолар, илмий-техникавий ривожланиш масалалари, табиат фалокатлари ҳақидаги кундалик мўлжали учун зарур бўлган ахборот.

“Протобилим” - архив билимлар.

Педагогик фаолият доирасида тизимли таҳлилни амалга оширишда билимларни ушбу тарзда ажратиш шартлидир. Инсон билими бу бизни ўраб турган дунё манзарасини англашнинг ягона жараёни, унда бир турдаги ахборот бошқасига ўтади, эскирган билим ўрнини янгиси эгаллайди. Яъни, содда қилиб айтганда, биз киммиз, бу ёруғ дунёга нима учун келдик, биз унда ва у билан нима қилишга мажбур эканлигимизни билиш учун амалий хизмат қилади.

Муаммоли вазиятни олдиндан кўришнинг барча нозик томонларини билиш учун ахборот зарурдир. Улар, ёпиқ тарзда ҳамда огоҳлантирувчи ва истиқболни белгиловчи руҳда бўлиб, уларни жамлаш учун восита сифатида метрик усуллар тўғри танланиши шарт. Қолгани эса таҳлилчининг иши бўлиб, у етишмаган ахборотни ўзинининг таҳлилга бўлган интеллектуал қобилияти билан тўлдиради.

Шуни таъкидлаш муҳимки, мутахассис томонидан тайёрланган ҳужжат (ўз объективлигига кўра) истеъмолчи/буюртмачи томонидан қабул қилиниши ёки рад этилиши мумкин. Бу унинг нуқтаи назарига кўра (айрим сабабларга кўра таҳлилчи танишиши қийин бўлган махсус касбий ахборотнинг борлиги билан изоҳланади) мавжуд муаммога касбий манфаатлар нуқтаи назари билан қарашдир. Таҳлилчи ва истеъмолчи/буюртмачи ўртасидаги ушбу зиддиятлар натижасида талаб қилинаётган ҳақиқати юзага келади.

Инсон тафаккури уни қуршаб турган атроф муҳитга муносабат билдирувчи (акс эттирувчи) унинг мияси фаолиятининг маҳсулидир. Шу йўсинда у субъект(индивид)га тегишли бўлади, яъни, унинг ўраб турган дунёга нисбатан субъективдир. Тафаккур ёрдамида инсон икки бир бутун вазифани бажаради:

1. объектив дунёни, унинг ички моҳиятини англайди, англаш орқали эса уни қайта идрок этади;

2. тафаккурнинг ички механизмларини билишга интилади, яъни дунёни у ўзи қандай англайди ва буни нима мақсадда амалга оширишини тушуниб этади.

Таҳлилий интеллектнинг муҳим белгилари қуйидагилар ҳисобланади:

- **теранлик** - далил ва ҳодисаларнинг моҳиятига етиб бора олиш қобилияти, уларнинг сабаб ва қонуниятларини, алоқадорлиги ва ривожланиш истиқболини билиш;

- **танқидий қараш** - ҳодиса ва далилларни объектив баҳолаш, мавжуд қараш, мулоҳаза, қарорларни шубҳа остига олган ҳолда ёндашиш;

- **эгилювчанлик** - бир ғоядан иккинчисига ўта олиш, шу жумладан ўзиникига зид бўлган ғояларга ҳам;

- **билимнинг кенглиги** - ҳодисалар ўртасидаги алоқадорликни кўра олиш қобилияти, муаммони кенг кўламда кўра олиш;

- **тезкорлик** - топшириқлар ечимининг тезлиги;

- **асллик** - нотакрор ечимларни топа олиш қобилияти, умумий қабул қилинган қарашлардан фарқли бўлган янги ғояларни ўртага ташлай олиш;

- **синчковлик** - ҳодисаларнинг туб моҳиятигача етиб боришга бўлган интилиш;

- **интуиция** - заковатнинг барча белгиларини фаол ишга солгандан сўнг воқеалар ривожини олдиндан кўра олиш қобилияти.

Педагогик фаолият доирасида тизимли таҳлилни ўтказувчи мутахассис қуйидагиларга масаларга оид аниқ тасаввурга эга бўлиши мақсадга

мувофиқдир:

- педагогик тизимнинг функционаллагига оид;
- таълим – тарбия психологиясига оид;
- педагогик жамоаларни бошқаришга оид;
- турли деструктив гуруҳларга оид;
- интернетнинг қидирувчи тизимларига оид;
- маҳаллий ва хорижий ОАВда таълимга доир муносабатларига оид;
- махсус тематик адабиётларга оид ва б.


Кўришиб турибдики, таҳлил аввалам бор ахборотнинг сифат ва мазмундорлигини таъминлашни тақозо этади. Шу боис, бу жараёнда илмий (янги билимни ишлаб чиқариш) ва бошқарув (қарорлар, сценарийлар вариантларини ишлаб чиқиш) функционал кесишадиган нуқта ҳисобланади.


Тизимли таҳлил тизимида функционал кесишув (ўзаро алоқадорлик) характерини қуйидагича таърифлаш мумкин: *бир томондан, илм-фан ва ахборот таҳлили бу билишни ва воқеъликни илмий таҳлилининг ахборотли усулидир.* Аммо улар орасида фарқлар ҳам бор. Шу боис, далил ва воқеалар ҳақида баҳсни амалга оширади, уларни ривожланиш истиқболини нафақат умумлаштирилган типик параметрлар, балки бир қатор қўшимча омиллар билан белгилашни тақозо этади. Аслида, маълумотларни семантик қайта ишлаш жараёнини мустақил босқичларга нисбатан кетма-кетлик шаклида кўрсатиш мумкин. Қўйида, тизимли таҳлил учун мақбул бўлган ҳаракатларнинг кетма кетлигини турли босқичлар асосида амалга оширишининг назарий моделини технология тарзида 2 - чизмада тақдим этамиз.

Бунда, яъни тизимли таҳлилни амалга оширишда тадқиқот усули, аниқроғи тизимли таҳлил усули таҳлилчининг фаолиятини самарадорлигини таъминлайди. Шу сабабли, услуб чуқур таҳлил ўтказишни таъминлаш баробарида, қарор қабул қилиш, қарор вариантларини шакллантириш учун ҳам хизмат қилиши лозимлигини кўрсатиб ўтаемиз. Бунда, **мутахассисларни интуициясини фаоллаштириш услуги (МИФУ) ва тизимни формал тасаввур этиш услуги (ТФТЭУ)**дан фойдаланиладигани (3-чизма), бунда тизимли таҳлилни амалга оширишда қўлланиладиган такт сифатида ҳам кўриб чиқиш мумкин.

3 - чизма.

Тизимли таҳлил натижаларини шарҳлаш технологияси.





Агарда, педагогик фаолият статик эмаслигини, яъни динамиклигини инобатга олсак, жамият ҳаётидаги ҳар бир ўзгариш у, ёки бу кўринишда педагогик жараёнда ифодаланади. Шу сабабли, педагогик фаолият давомида ифодаланадиган шахсий, касбий, услубий, жамоавий, техник, экологик ва бошқа шу каби муаммоларни олдиндан билиш ва баҳолаш талаб этилади. Бунинг учун қуйидаги назарий моделдан фойдаланиш мумкин деб ҳисоблаймиз: “Объектнинг институционал тавсифи→Объектнинг функционал тавсифи→Объектнинг стратегик тавсифи→Объектга етказиладиган эҳтимолли зарарлар кўлами, даражаси, миқдори (маблағ ҳисобидаги кўрсаткичи, маънавий ва психологик соҳадаги балли кўрсаткичлари кабилар)нинг тавсифи→Объектнинг бошқа объектлар билан алоқадорлигини тавсифи→Объект фаолиятини таъминлаш учун мавжуд шарт-шароитларнинг тавсифи→Фаолиятни таъминлашда ҳамкорликнинг асосий йўналишларини тавсифи→Барча тавсифларнинг таҳлили = Прогноз”.

Натижа тариқасида, прогноз намоён бўлиб, педагогик фаолиятда ифодаланиши мумкин бўлган эҳтимолий муаммоларни кўрсатиб беради. Бу ўз навбатида ресурсларни баҳолаш ва улардан фойдаланиш тартибини белгилаб олишни талаб этади.

Назорат саволлари:

1. Педагогик фаолиятда тизимли таҳлилни амалга ошириш деганда нимани тушунасиз?
2. Сўров методини қўллаш тартибини биласизми?
3. Педагогик фаолиятда хужжатларни ўрганиш методини қўллашдан кўзланган мақсад нимадан иборат?
4. Тизимли таҳлил ўтказишда фаолият маҳсулини ўрганиш усулидан фойдаланиш тартибини кўрсатиб беринг?
5. Қиёслаш методини қўллашдан мақсади нимадан иборат?
6. Сухбат методини қўллай оласизми?
7. Интервью методидан ўз фаолиятингизда фойдаланиб биласизми?
8. Кузатиш методини ўз фаолиятингизда қўллай биласизми?
9. Педагогик фаолиятда тизимли таҳлил ўтказиш учун Социометрия методини қўллай оласизми?
10. Тизимли таҳлил ўтказиш учун нечта методдан фойдаланилади?
11. Тизимли таҳлилни амалга оширишда тест методдан фойдаланиш мақсад нима?
12. Эксперимент методини тавсифлаб беринг?
13. Моделлаштириш методни қўллай оласизми?
14. Тизимли таҳлил ўтказишда прогнозлаш методининг ўрни?
15. Экстраполяция методини афзалликларини кўрсатиб беринг?

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: “Ўзбекистон” нашриёт – матбаа ижодий уйи, 2014.
2. Митина Л.М. Учитель как личность и профессионал. – М., 1994.
3. Новосельцев В.И. Системный анализ: современные концепции. – Воронеж: «Кварта», 2002.
4. Самаров Р. Ахборотнинг психологик хавфсизлигини таъминлаш механизми (услугий қўлланма). – Тошкент: Университет, 2015. – 91 б.
5. Самаров Р., Садриддинов С. Баркамоллик тизимида касбий лаёқатлилиқ // Ж. Замонавий таълим. 2013, 6-сон.
6. Ғозиев Э., Самаров Р. Илмий ижод ва олимнинг шахси // Ж. Таълим муаммолари. 2014. 2 – сон.
7. Шермухамедов С. Фалсафа ва ижтимоий тараққиёт. – Т.: Фан, 2005.
8. Systems Thinking: Managing Chaos and Complexity, Jamshid Gharajedaghi, Butterworth Heinemann, Oxford, 1999.

3 - мавзу. ТИЗИМЛИ ТАҲЛИЛ АСОСИДА ЖАМЛАНГАН АХБОРОТНИ ШАРҲЛАШ ПРИНЦИПЛАРИ

Режа:

- 3.1. Тизимли таҳлил методологияси.*
- 3.2. Тизимли таҳлилда мос келмаслик ва фарқларни топиш методикаси.*
- 3.3. Меъёрларни шакллантириш ва мажмуавий муаммоларни ўрганиш.*

Таянч сўз ва иборалар: *онгли ҳаракатни амалга ошириш, педагогик тизимнинг фаолияти, методология, мақсадни шакллантириш, мақсадни илгари суриш, қарорни тайёрлаш, ресурсларни инобатга олиш, режасини ишлаб чиқиш, режани бажариш, режани амалиётга қўллаш, натижани баҳолаш, меъёр, тизимли алоқадорлик, тизимли таҳлил талаблари, тизимости чикувчи элементлар, қабул килувчи элементлар.*

3.1. Тизимли таҳлил методологияси.

Тизимли таҳлилни амалга ошириш бунёдкор, мушоҳадали ва ижодкор инсон томонидан амалга оширилиши натижасида шахс, жамият ва давлат ҳаёти билан боғлиқ бўлган масалалар ўрганилади, бундан шахс ҳам, жамият ҳам, давлат ҳам манфаатдордир. Агар уларнинг ҳар бирини алоҳида тизим сифатида ўрганмоқчи бўлса, бунда жамият катта тизим тарзида иштирок этади. Бу ўз навбатида, тизим методологиясидан хабардор бўлишни тақозо этади.

Тизимларни илмий ўрганишнинг назарий ва амалий аҳамияти, уларни функционал ва структуравийлиги жиҳатидан алоҳида хоссаларини алоқадорлигининг даражаси асосида таснифлашдан иборат. Назарий нуқтаи назар бўйича тизимларнинг хоссавий алоқадорлигини аниқ белгиларига мувофиқ таснифлаш мумкин. Мавзу бўйича таснифлашнинг турли тамойилларини танлаш мумкин, аммо ҳар қандай таснифлаш нисбийдир. Таҳлил ўтказиш мақсадида муҳитдан мураккаблик ва вазифадорлиги бўйича алоҳида яхлитлик (тизим) тарзида айри ҳолда ўрганилиши лозим. Масалан, детерминантлашган тизимда эҳтимолли таркибларни топиш мумкин ва унга қарши детерминантлашган тизимни эҳтимолли хусусий ҳодиса сифатида қабул қилиш мумкин.

Мураккаблик даражаси бўйича тизимлар **оддий, мураккаб ва гипермураккаб** кабиларга ажратилади. Мураккаблик белгисини аниқлашдан келиб чиқиб, илмий ўрганиш учун муҳим ҳисобланган хусусият, яъни айни бир тизимни турлича шарҳлаш имконияти пайдо бўлади, бу хусусида

турлича назариялар ҳам яратилганки, уларни тизимларни ўрганиш методологияси деб кўрсатиш мумкин. Методология бир нечта маъноларни ангатади. Биринчи маъноси, бу бирон бир фанда, масалан социологияда татбиқ этиладиган тадқиқот усулларининг мажмуи деган маънони англатади. Иккинчи маъноси, бу илмий билим ва дунё манзарасини ўзгартиришини ўрганиш методи ҳақидаги таълимот деган маънони англатади.

Методология, билим методларининг назарий асоси ривожланиб бораётган фаннинг эҳтиёжлари тақозоси билан юзага келган бўлиб, у табиат, жамият ва инсон онгининг мураккаб ҳодисаларини тўғри объектив талқин этишга, фаннинг табиий алоқаларини очишга имкон беради.

Илмий билиш жараёнида ҳар бир фан конкрет тадқиқот объектига эга бўлиб, ўзининг махсус усулларини яратган. Бунда, ўша фаннинг манфаати, қонуниятлари, асосий категорияларини амал қилиш тартиби асос қилиб олингандир. Буни хусусий методология деб кўрсатиш мумкин. Лекин баъзи бир фанлар бир-бирига яқин бўлгани учун уларнинг тушунча ва қонуниятлари ҳам бир-бирига яқиндай кўринади. Бунда “чегара”ни белгилаш анча мураккаб кечади. Бу жараёни ижобий кечишини таъминлаш учун методологиядан фойдаланишни тақозо этади.

Назарий жиҳатдан таҳлилни амалга оширишда (билишда) хусусийлик ва умумийлик вазифаларини бажарувчи усуллар мавжуд экан. Шу тариқа, кўпчилик фанларда қўлланадиган усулларга умумий усул дейилади. Умумий усул қўлланиши доирасига кўра умумий, лекин қўлланилаётган масалага нисбатан ўз вазифасига эга бўлади. Бунга анализ ва синтез умумлаштириш ва мавҳумлаштириш, индукция ва дедукция, қиёслаш ва моделлаштиришни кўрсатиш мақсадга мувофиқдир.

Шундай қилиб, тизимли таҳлилни бажариш жараёнида илмий тадқиқотнинг хусусий, умумий ва фанлараро усуллари мавжуд бўлиб, ўлар узаро бир-бири билан боғлиқдир.

Педагогик фаолият доирасида тизимли таҳлилни амалга ошириш учун таъдим-тарбия, педагогик фаолият, педагогик жараён, педагогик вазифа, педагогик мақсад, педагог имиджи, таълим олувчининг фаолияти, таълим усули ва воситалари, таълимда қўлланиладиган технологиялар (шу жумладан ахборот технологиялари) каби хоссаларни функционалигини инобатга олган ҳолда таҳлилий усуллар танланиши лозим. Бунинг учун онгли ҳаракатларнинг кетма-кетлигидан (моделидан) фойдаланиш мумкин. Масалан, кафедра профессор-ўқитувчиларининг фаолиятини ўрганишни олсак. Бунда, бажарилган (бажарилиши лозим бўлган) ўқув ишлар, илмий - услубий ишлар, илмий - тадқиқот ишлари, ташкилий – услубий ишлар, маънавий – маърифий ва тарбиявий ишларни ўрганиш лозим бўлади. **Бунинг учун, “1 + мақсад шакллантирилади, 2 + вазифалар белгиланади ва уларни бажариш тартиби аниқланади, 3 + мулоҳаза ва мунозара юритилади, 4 + ишлар аниқ белгилар (кўрсатмалар) асосида умумий ва хусусийларга ажратилади, 5 + режалаштирилган ва бажарилган ишлар**

орасида тафовут белгилаб олинади ва ташхисамалга оширилади. Яъни, галдаги ишлар бажариладими ёки бажариш имокнияти йўқми, 6 + фаолиятнинг ҳар бир соҳаси бўйича мушоҳада юритилади, натижалар қиёсланади. Амалиётда, гоҳида фарқ кузатилади. Масалан, бажарилган илмий - тадқиқот ишларининг кўрсаткичи юқори, ташкилий – услубий ишлар паст бўлиши мумкин, 7 + жамланган, қиёсланган барча ахборот яхлит ҳолатга келтирилади, 8 + улар кўрсатилган меъёр асосида тавсиф ва шарҳланади, 9 + хулоса, таклиф ва тавсиялар тайёрланади, 10 + фаолиятга оид прогноз вариантлари тузилади ва бирон бир таҳлилий манба шаклига келтирилади, 11 + тайёрланган таҳлилий манба раҳбариятга (буюртмачига) узатилади.

Таҳлилий манба, интеллектуал фаолиятнинг олий маҳсули бўлиб, педагогик фаолиятнинг аниқ бир соҳасига оид муайян муаммони ўрганишга бағишланган бўлиши мумкин. У аниқланган муаммоларни бартараф этишда расмий жиҳатдан қудратли восита ҳисобланади ва ўз олдига қатор мақсадларни қўяди.

Таҳлилий манбалар илмий ишлардан қатор хусусиятлари билан фарқланади, уларни қуйидаги тартиб асосида кўрсатиб ўтиш мумкин:

- соддалиги билан;
- баён тарзининг осонлиги билан;
- илмий тушунчаларнинг камроқ қўлланганлиги билан;
- таҳлилни амалга ошириш вақтининг чегараланганлиги билан;
- манба ҳажмининг чегараланганлиги билан;
- манбани аниқ вазифани бажаришга йўналтирилганлиги билан.

Таҳлилий жараёнга ажратилган вақтнинг ўсиши билан касбий характердаги ахборотга қўйиладиган талабни амалиётга татбиқ этишга имконият яратилади. Улардан энг асосийлари қуйидагилардир:

- ўз вақтида;
- кенг қамровли;
- ишончли;
- хусусий ва б.

Булар, ўз навбатида, педагогик фаолиятдаги у ёки бу муаммони ҳал қилишда ресурслар, ҳуқуқий асос, иқтисодий ва ижтимоий оқибатларни инобатга олган ҳолда раҳбарият томонидан қарор чиқаришга ёрдам беради.

Таҳлилий манбанинг тўлиқлиги ва ишончлилиги турли метрик услублар ёрдамида олинган ахборот ҳисобидан шакллантирилган база ҳисобланади.

Таҳлилий манбани тайёрлаш жараёнини бир неча босқичга ажратиш мумкин:

- тадқиқот вазифасини буюртмачи/истеъмолчидан белгилаб олиш (вазифа олиш);
- муаммо билан танишиш (муаммонинг тарихи, сабаби, унга таъсир кўрсатган омилларни аниқлаш);

- манбани тайёрлаш учун бажариладиган вазифаларни белгилаб қўйиш;
- манбада қўлланадиган атама ва тушунчаларнинг аниқлаш (ахборотни таснифлаш ва тизимлаш);
- метрик услубларни белгилаб олиш ва уларнинг воситасида маълумотларни тўплаш (ахборот базаси);
- йиғилган ахборот таҳлили (фараз илгари суриш, сабаб-оқибат алоқадорлигини аниқлаш, тенденцияларни белгилаш, прогнозлаш);
- асосий ҳолатларни баён этиш (матн билан ишлаш);
- хулоса ва тавсияларни аниқлаб, уларни амалиётда синаш;
- якуний хулосаларни тақдим этиш (тадқиқот ишини тугатиш);
- манба бўйича соҳа мутахассислари билан маслаҳатлашиш;
- манбани расмийлаштириш ва адресатга жўнатиш (вазифани бажариш) ва б²³.

Предметнинг моҳиятини предмет белгилайди. Шу сабабли таҳлилий манбалар намуналарининг контент таҳлилини амалга ошириш жараёнида уларнинг турли тавсифларини қиёслаб, қуйидаги шартли таркибий қисмлари мавжудлигини кўрсатиб ўтиш мумкин:

1. Сарлавҳа.
2. Мундарижа.
3. Аннотация/Мухтасар.
4. Кириш.
5. Муаммони аниқлаш.
6. Прогноз вариантлари.
7. Хулоса ва тавсиялар
8. Қарор вариантлари.
9. Илова.

Таҳлил бу аввало инсоннинг билимлари асосида вужудга келадиган ижод маҳсулидур. Ҳар бир инсон таҳлилий фаолият билан маълум бир савияда шуғулланиши мумкин. Аммо, педагогик фаолият доирасида бу жараён анча мураккаб кечади. Чунки, илмий, услубий, касбий, ахборий, вазиятли, шахсий ва касбий каби омиллар таъсир кўрсатади. Шу сабабли, таҳлил фаолият кўринишида учта мазмунли-йўналишли вазифаларни бажаришга қаратилган бўлади деб кўрсатсак хато қилмаган бўламиз. Булар:

- методологик вазифа;
- технологик вазифа;
- ташкилий вазифа.

Ҳар бир вазифа функцияси жихатидан ўзининг тузулиши ва мазмунига эгадир. Таҳлилий фаолият мураккаб қарорлар вариантини тайёрлаш жараёнида танланган муаммога тизимли тарзда ёндашишни тақозо этади. Бунинг учун, **биринчидан**, объектнинг жорий ҳолати қандай деган саволга жавоб топиб, ижтимоий, педагогик, психологик диагностика ўтказилади.

²³ Самаров Р. (ҳаммуаллифликда). Сиёсий матн таҳлили (методология, назария, амалиёт). - Тошкент: Akademiya, 2010. 62-89 – бетлар.

Иккинчидан, объектни идеал ҳолати қандай бўлиши лозим деган савол қўйилади, бунинг учун объектни тузулиши, вазибалари, таъсис этилишдан мақсади кабилар аниқланади. **Учинчидан**, объектнинг жорий ҳолати билан идеал ҳолати қиёсланиб, мавжуд муаммолар белгилаб олинади. **Тўртинчидан**, эмпирик услублар асосида объектни истакли ҳолати ўрганилади, бунда муаммолар таснифланиб, гуруҳларга ажратилади. **Бешинчидан**, объектни жорий, эмирик ва идеал ҳолатлари қиёсий тарзда ўрагилиб, уни галдаги ҳолати назарий жиҳатдан моделлаштирилади. **Олтинчидан**, объектни тўлиқ фаолиятмандлигини таъминлаш учун лозим бўлган барча ресурслар инобатга оинган ҳолда, унинг навбатдаги ҳолати прогнозлаштирилади.

3.2. Тизимли таҳлилда мос келмаслик ва фарқларни топиш методикаси.

Педагогик фаолият доирасида тизимли таҳлилни амалга ошириш учун педагогик муаммо турини ажрата олиш лозим бўлади. Муаммо турини аниқ идентификациялаш, тайёрланадиган таҳлилий манбанинг амалийлигини, яъни ижтимоий қийматини таъминлашга хизмат қилади (муаммони тадқиқ этиш мақсадида таҳлилчи-мутахассисдан нима талаб қилинади?). Бунинг учун, муаммони табақалаштира олиш талаб этилади (гарчи бу соф илмий методологик аҳамият касб этса-да).

Назария ва амалий тажрибадан келиб чиққан ҳолда муаммони йўналтирилганлиги бўйича амалий характердаги муаммолар ва аксинча, тўлиқ назарий характердаги муаммоларга ажратиш мумкин. Бу иккала муаммонинг турли жиҳатларини қамраб олувчи муаммолар ҳам борки, уларни қуйидагича кўрсатиб ўтсак мақсадга мувофиқдир:

1) **Муаммонинг универсаллик даражаси.** Ўзида хусусий муаммоларни мужассамлаштирган умумий даражадаги муаммолар мавжуд. Масалан, сиёсий бошқарувда қўлланиладиган усул ўзида хусусий муаммоларни қамраб олади (кадрлар, жамоа ва лобби гуруҳлар шулар жумласидандир).

2) **Муаммони ҳал этишнинг вақт жиҳатидан тезлик даражаси.** Биринчи навбатдан бажарадиган, иккинчи навбатда бажарадиган, кейинчалик бажарадиган ва б.

3) **Муаммонинг структуравий жиҳатлари.** Бунда муаммо фақат битта соҳа доирасида вужудга келганлиги, икки ёки ундан ортиқ соҳа доирасида ифодаланганлиги назарда тутилади.

Тизимли алоқадорликнинг таснифи номли чизмада кўрсатилганидек, ҳар бир тизимли алоқадорлик функционалиги бўйича алоҳида ўрин тутди. Уларни қуйидаги қисмлар кўринишида кўрсатиб ўтиш мумкин:

•**биринчи қисм**, тизимда рецепторлар бўлиб, улар ташқи ва ички муҳит ҳамда турли манбалардан педагогик фаолият, педагогик жараён, педагог

шаҳси, таълим олувчилар, таълимий манбаларлардан тўхтовсиз ахборот оқимларини келиб тушишини назарда тутди;

• **иккинчи қисмда**, маълумотларни қайта ишлаш деб номланиб, бунда, олинган маълумотлар педагогик фаолият манфаатидан келиб чиққан ҳолда таҳлил этилади ва оптималлаштирилади. Яъни, идеал ҳолат билан қиёслантирилади;

• **учинчи қисмда** қарорлар қабул қилиш, яъни, прогноз ва қарорлар вариантлар сараланиб марказга узатилади. Уларни амалга ошириш учун тайёр қарорлар ва таклифлар амалга ошириш қисмида, эффекторларга узатилади. Яъни, ижрочилар нафақат қарорларни бажарадилар, балки қарорларни амалга ошириш натижалари ҳақида тизимни хабардор қиладилар. Шу тариқа тизимнинг киришига тескари алоқа сигнал узатилади.

Бу ўринда, энтропия (лот. ўзгариш) ҳолатини ҳам инобатга олиш лозим бўлади. Негаки, тизим фаолиятини таъминлашда тасодифий объектнинг мавҳум меъёрларини ҳам инобатга олиш мақсадга мувофиқ.

Тизимли алоқадорликнинг таснифидан келиб чиққан ҳолда педагогик тизимни жамиятнинг бошқа тизимларидан фарқи куйидагилар билан ажралиб туради:

биринчидан, педагогик тизим доирасида қабул қилинадиган қарорлар таълим муассасалари ҳамда педагогик фаолият билан шуғулланувчилар учун мажбурий таъсир кучига эга бўлади;

иккинчидан, педагогик тизим, жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий-маданий-сиёсий тизимлари билан узвий ва ажралмас боғлиқликда фаолият юритишиб, уларнинг фаолиятини таъминлашга кўмак беради (кадрлар тайёрлаб беради);

учинчидан, педагогик тизим жамиятнинг бошқа тизимларига нисбатан мустақил, фаолиятининг ижтимоий мазмундорлиги юқори ва стратегик мазмун касб этади. Яъни, фаолият натижага (истикболга) йўналтирилган бўлади;

тўртинчидан, педагогик тизим фаолиятини такомиллашувини таъминлашдан, барча тизимлар ва уларнинг тизимостилари манфаатдор;

бешинчидан, педагогик тизим миллий манфаатларни таъминлаш ва ҳимоясини амалга ошириш учун бирламчи вазифасини бажаради.

3.3. Меъёрларни шакллантириш ва мажмуавий муаммоларни ўрганиш.

Ақлий фаолиятга таянган ҳолда, вужудга келган педагогик муаммони ечиш учун, маълум бир жараёнлар кечади. Яъни муаммонинг вужудга келиши ва уни ечишга оид бир неча босқичлар мавжудлиги назарга тутилмоқда. Педагогик фаолият динамик мазмун касб этиб, таълим-тарбия олдида қўйиладиган галдаги вазифаларни бажариш жараёнида такомиллашиб (кенгайиб) боради. Бу ўз навбатида, турли кўриниш ва мазмундаги муаммоларни ўз вақтида аниқлаб (диагностикасини, прогноззини амалга

ошириб), педагогик ресурсладан манзилли фойдаланишни тақозо этади.

Шу тариқа, педагогик фаолият доирасида намоён бўладиган муаммони тизимли ўрганиш учун, мутахассис муҳим ҳисобланган хусусий жиҳатларга эътибор қаратиши лозим:

- муаммоли вазиятнинг вужудга келиш тарихини билиши лозим;
- вазиятнинг моҳиятини ва муаммони англаб етиши лозим;
- таклиф қилинган, асослаган гипотеза асосида муаммони ечиш йўллари белгилаши лозим;
- гипотезанинг исботлаш учун усулларни тўғри танлаши лозим;
- бартараф этилган муаммонинг мақбуллигини синаши лозим;
- синаш давомида кузатилган нуқсонларни бартараф этишда реал вазиятни инобатга олиши лозим.

Бу ўз навбатида муаммоли вазият шароитида фаолият босқичларига амал қилишни тақозо этади:

- муаммони макон-вақтга нисбатида қайд этиш, яъни муаммонинг худудий, вақт чегарасини аниқлаш;
- муаммонинг турини, табиатини ва унинг тизимли хусусиятини аниқлаш;
- муаммонинг ривожланиши объектив қонуниятларга асосланганлигини ва унинг оқибатларини аниқлаш;
- муаммони ижобий ечиш учун зарурий чораларни қўллаш;
- муаммони ҳал этиш учун ташкилий ва техник асосларини ишлаб чиқиш;
- муаммонинг ҳал этиш учун меъёрларни белгилаш.

Таҳлилни амалга ошириш давомида, меъёр деб, таҳлилни амалга ошириш учун танланган объектнинг сифат ва миқдорий жиҳатларини ўзаро боғлиқлиги назарга тутилади. Бунда мазмун ва шакл, имконият ва воқелик ўртасидаги зарурий уйғунлик таъминланиши шарт ҳисобланади. Чунки, педагогик фаолият доирасида амалга ошириладиган таҳлилнинг асосий мақсади шундан иборатки, мавжуд структура тизимда қанчалик самарали ишлашини аниқлашдан иборат. Тизимли таҳлилда, педагогик тизимнинг тузулишини, вазифасини, мавжуд мақсадини аниқлаш назарда тутилади. Аммо иккала ҳолат ҳам бири-бирини тўлдириб туради.

Тизим тўғрисида маълумотларга эга бўлиш мақсадида, тизимли таҳлилни усулларини тадбиқ этиши бўйича барча меъёр ва талабларини **тизимли таҳлил технологияси** ўзида мужассам этган бўлади. Эътиборни қаратиш лозимки, тизимли таҳлил хилма-хиллик жиҳатидан фарқланганлиги сабаби, у истиқболли тадқиқот усули ҳисобланади.

Тизимли таҳлилни амалга ошириш жараёнида қуйидагиларга йўл қўймаслик лозим:

- тушунарсиз вазиятларни мисол келтирмаслиги;
- катта миқдорда маълумотларни қамраб олишга интилмаслиги;
- фикрларнинг кенг ёйилиб кетиши (таҳлилий манба қисқа бўлиши

керак. Унда текширилмаган, шарҳи бўлмаган далиллар жой олмаслиги даркор);

- объектив далиллар билан тасдиқланмаган субъектив мулоҳазаларга йўл қўймаслиги;

- мулоҳаза юритишда қатъий бўлмаслик;

- таҳлилий манбанинг асосий мазмунига тааллуқли бўлмаган масалаларни баён этмаслик ва б.

Таҳлилни амалга оширувчи мутахассис метрик усуллар воситасида жамланган ахборотдан ўзининг маҳсулини яратади. Бунда, тафаккур операциялари амалий мазмун касб этади. Негаки, таҳлил тафаккурнинг мантикий усули сифатида майдонга чиқади. Бу эса мавҳум тушунчалар ёрдамида ва бир-бири билан мустақкам боғланган тафаккур операциялари: мавҳумлаштириш, умумлаштириш ва шу кабилар ёрдамида амалга оширилади.

Англаш жараёнида анализ ва синтез муҳим ўрин тутди ва унинг барча босқичларида амалга оширилади. Англашда тасаввур қилиш, илмий фантаз ва ҳис қилиш ҳам муҳим ўрин тутди.

Улар таҳлилни амалга оширувчига тафаккур фаолиятини фаоллаштириш ва қатъий мантикий жиҳатдан кўриб чиқилмайдиган у ёки бу далилни англаш имконини беради. Буларнинг барчаси ижодий жараён тушунчасида умумлашади.

Табиийки, ижодий жараён фаолликни, таҳлилни амалга оширувчининг билим ва қобилиятини сафарбар қилишни талаб қилади. Ушбу сафарбарлик ихтиёрий жўшқинлик ва ҳис-ҳаяжонли ҳолатда ўз ифодасини топади. Ижодий камол топиш, ички ҳис қилиш ва юзага келадиган ҳолатни моделлаштириш жумласидандир. Бу ўз навбатида, тизимли таҳлил методологиясига оид бир қанча асарларнинг муаллифи бўлган А.Рыковни куйидаги муносабатини келтиришни тақозо этади: “Тизимли таҳлилда моделлаштириш ҳақида гап кетганда, моделларни мажбурий тарзда миқдорий характерга эга бўлишини кўзламаслик лозим. Модел сифатли, вербал бўлиши мумкин. Лекин, унда асослаб берилган асосий шартлар ва гипотезалар ажратилган бўлиши шарт. Моделнинг мақбуллиги, биринчи навбатда, унинг асосий шартларига риоя этилганлигида намоён бўлади”²⁴.

Таҳлил, нафақат бошқарувни амалга оширишда, балки ижтимоий ҳаётни турли даврида ҳар бир инсон томонидан амалга оширилади. Аммо, педагогик фаолиятда таҳлил илмий, илмий-педагогик, илмий-касбий мазмун касб этиб, педагогик жараёни самарадорлигини ошириш учун хизмат қилиши лозим.

Таҳлил, фаолият сифатида соҳавий ривожланаётганлиги туфайли доимий равишда янги таҳлилий йўналишлар юзага келмоқда. Бугунги кунда, сиёсий соҳа таҳлилчиси, иқтисодий соҳа таҳлилчиси, ҳарбий соҳа таҳлилчиси, маданий соҳа таҳлилчиси каби тушунчаларни илмий мулоқотга

²⁴ Рыков А.С. Модели системного анализа: принятие решений и оптимизация: – М.: МИСИС, 2005. – С. 45.

киритилиши бежиз эмас. Яқин келажакда, таълим-тарбия соҳасининг таҳлилчиси деган тушунча замирида, педагогик тизим фаолиятини тизили таҳлилини амалга оширишга қодир бўлган мутахассис тушунилса, не ажаб.

Таҳлил турини қайси бирини қўллашдан қатъий назар, унинг натижасида бирон бир шаклга эга бўлган манба тайёрланади. Педагогик фаолият доирасида бу тақриз, тезис, мақола, раддия, изоҳ, маълумотнома, тавсиянома, йўриқнома, кўрсатма, маслаҳат тарзида бўлиши мумкин. Агарда, аниқ педагогик вазият ўрганилса, бунда маълумотнома ёки тавсиянома тайёрланади.

Педагогик фаолият тизимида таҳлил кўп функцияларни бажариб, замонавий педагог педагогик жараён давомида юзага келадиган реал (шу жумладан эҳтимолли) вазиятларни таълим-тарбия бериш манфаатидан келиб чиққан ҳолда таҳлилини амалга ошира олиши, педагогик жамоада, жамиятда замонавий педагог имижини шакллантириши учун муҳим ҳисобланади.

Назорат саволлари:

1. Тизимли таҳлилни амалга оширишда онгли ҳаракатни амалга ошириш технологиясидан фойдаланишдан кўзланган мақсад нимадан иборат?
2. Педагогик тизимнинг фаолияти дегани нима?
3. Тизимли таҳлилни амалга ошириш учун мақсадни шакллантириш тарбини биласизми?
4. Ресурсларни инобатга олиш деганда нимани тушунасиз?
5. Тизимли таҳлилни амалга оширишда ахборотга қўйиладиган талаблар?
6. Таҳлилни амалга оширишда меъёрларни белгилашни тартиби нимадан иборат?
7. Тизимли алоқадорликни асосий белгилари нимадан иборат?
8. Тизимли таҳлилни ўтказишда амал қилиши шарт бўлган талабларни биласизми?
9. Тизимли таҳлил ўтказишда мажмуавий ва фрагментар ёндашувларни фарқли томонини биласизми?
10. Тизимости чикувчи элементларни мақсади нима?
11. Қабул килувчи элементларнинг вазифаси нимадан иборат?
12. Таҳлилий манба деганда нимани тушунасиз?
13. Тизимли таҳлил ўтказувчининг масъулияти деганда нимани тушунасиз?
14. Таҳлилий манбага қўйиладиган талаблар нималардан иборат?
15. Вазиятли таҳлил усулидан тизимли таҳлил усулининг фарқли томонлари нимада?

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент:

“Ўзбекистон” нашриёт – матбаа ижодий уйи, 2014. – 73 б.

2. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни. - Т., 1997.

3. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008.

4. Вертакова Ю.В. Управаленческие решения, разработка и выбор. М.КНОРУС, 2005.

5. Волкова В.Н., Денисов А.А. Основы теории систем и системного анализа. - СПб.: СПб ГТУ, 2003.

6. Ожиганов Э.Н. Стратегический анализ политики. – М.: Аспект Пресс, 2006.

7. Самаров Р. Хавфсизликнинг методологик асослари // - Т.: Академия, 2010.

8. Самаров Р. Ахборотнинг психологик хавфсизлигини таъминлаш механизми (услугий кўлланма). – Тошкент: Университет, 2015. – 91 б.

9. Самаров Р. Инсон камолотини таъминлашда адабиётнинг роли (структуравий-функционал ёндашув) // “Буюк ипак йўлида умуминсоний ва миллий кадриятлар: тил, таълим ва маданият” номли халқаро илмий-амалий конференция материаллари. – Самарқанд: СамДЧТИ нашри, 2016. – Б. 175-178.

Самаров Р., Садриддинов С. Педагогик фаолият тизими такомиллашувини таъминлашда тизимли таҳлил: функционал ёндашув // Ж. Замонавий таълим 2016, 2-сон. – Б. 23-30.

10. Системный анализ и принятие решений: Словарь - справочник. Учебное пособие для вузов / Под ред. В.Н. Волковой и В.Н. Козлова. - М.: Высшая школа, 2004.

11. Ғозиев Э., Самаров Р. Илмий ижод ва олимнинг шахси // Ж. Таълим муаммолари. 2014. 2 – сон.

12. Managing with Systems Thinking, Michael Ballé, McGraw-Hill, London, 1994.

4 - мавзу: ҚАРОРНИНГ МАҚСАД - ВАЗИФАЛАРИ ВА ИЖТИМОЙ АҲАМИЯТИ

Режа:

- 4.1. Қарор тушунчаси ва унга оид илмий ёндашувлар.
- 4.2. Қарорнинг мақсад ва вазифалари.
- 4.3. Қарор қабул қилиш технологияси

Таянч иборалар: қарор, қарорнинг моҳияти, қарор қабули қилиш зарурияти, қарор турлари, муаммо ва қарорлар турлари, қарор қабул қилиш босқичлари, педагогик фаолиятда қарор, қарорнинг тамойиллари, педагогик муаммоларни ўрганиш тартиб, педагогик фаолият доирасида қарор қабул қилиш технологияси.

4.1. Қарор тушунчаси ва унга оид илмий ёндашувлар.

Қарор - фаолиятни амалга ошириш учун шарт бўлган вазифа(топширик)нинг аниқ бир тартиби(мезони)ни белгилаб бериш учун мухассис (раҳбар) томонидан билдирилган хулосавий муносабат ҳисобланади. Педагогик фаолият тизимида қарор, мазмуний тузулишига қараганда миллий таълим-тарбия мафаатини ҳимоялашга, такомиллаштиришга қаратилган бўлиши лозим. Назарий таҳлиллар ва қиёсий шарҳларнинг хулосаларига қараганда қарорларнинг мақбул (эталонли) вариантлари мавжуд эмас. Бўлиши ҳам мумкин эмас. Негаки ҳарқандай қарорда аниқ мақсад, манфаат вақт ва макон жиҳатлари бўйича ўз аксини топган бўлади. Шу сабабли, назарий жиҳатдан қарорни назарий структуравий моделини келтириш мумкин (5-чизма).

Педагогик жараёни бошқариш учун қарорнинг мақбул варианты, яъни таълим олувчи, таълим берувчи, таълимий ахборот, таълимий вазият, таълим мақсади, таълим муассасасининг стратегик вазифаси каби хоссавий манфаатдорлик ўз аксини топган бўлиши лозим. Бу ҳолат ўз навбатида, қарор қабул қилишга доир назарияларни келтиришни тақозо этади. Бу кунга қадар, қарор қабул қилишга доир икки хил ёндашув маълум. Булар:


- норматив ёндашув;
- дескриптив ёндашув.

Норматив ёндашув тамойиллари аосида, қарор қабул қилиш жараёнларини субъектив, психологик омиллардан абстрактлашган ҳолда

тадқиқ этиш талаб этилади.

Дескриптив ёндашув тамойиллари бўйича эса, аксинча, қарор қабул қилишда ушбу омиллар асосий ҳисобланиб, уларнинг таъсир даражаси қарорнинг мазмунини белгилаб беради.

Бизнингча, таълим-тарбия тизими учун, бу ёндашувларнинг синтезлашган вариантларидан фойдаланиш лозим. Чунки, қарор қабул қилишга ташкилий, ҳуқуқий, психологик, ресурсли ва вазиятли каби омиллар бевосита таъсир кўрсатади. Фақатгина ресурсли омилнинг замирида вақт, билим, ахборот, маблағ, мутахассиснинг тайёарлиги кабилар ифодаланганлигини инобатга олсак, уларни таъсир даражасини алоҳида шарҳлаш шарт эмас.



Психологик омилнинг замирида эса, ҳиссиёт, манфаат, жорий функционал ҳолат, муносабат, тасаввур каби хоссалар мужассамлашган бўлади.

Бошқарувда, шу жумладан стратегик бошқарувни амалга ошириш борасида хавф, хатар ва таҳдидлар турли кўринишларда “замонавийлашуви”, “интеллектуаллашуви” натижасида янгича ёндашувни талаб этмоқда. Бу, ўз навбатида, бошқарув масаласи билан боғлиқ бўлган ташкилий, услубий муаммоларни аниқ таълимотлар асосида ўрганишни тақозо этади.

“Бошқарув деб, белгилаб олинган аниқ мақсадга мувофиқ, у ёки бу натижага эришиш учун институционал тарзда тартибга келтиришга, барпо этишга, такомиллаштиришга, қисқартиришга ёки объект тузилишини ўзгартиришга қаратилган, субъектнинг объектга турли кўриниш ва даражаларда таъсир этиш жараёнига айтилади”²⁵. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, бошқарув назариясини турли жиҳатлари асосида

²⁵ Самаров Р., Садриддинов С. Ижтимоий тараққиётни таъминлашнинг назарий-амалий жиҳатлари // Муҳофаза + журнали 4 – сон, 2011 (78). - Б. 4-5.

таснифлаш мумкин, аммо амалиёт манфаатидан келиб чиққан ҳолда унинг мазмундорлигини инобатга олиб **икки даражага** ажратиш мақсадга мувофиқ:

- **бошқарувнинг биринчи даражаси**, жамият ривожланишининг турли даврий босқичларида институтлар фаолият механизмини аниқ тушунтира олишга қодир бўлган фалсафий, педагогик, сиёсий, иқтисодий ва социологик концепцияларнинг мажмуасидан таркиб топган бошқарув назарияси;

- **бошқарувнинг иккинчи даражаси**, бошқарувнинг турли объектларининг йиғиндиси, амалий билим ва кўникмаларнинг бирлиги сифатида, аниқроқ айтганда, жамият тараққиётини таъминлаш мақсадида, фундаментал илмий назарияларни (математика, мантик, психология, акмеология) қамраб олган амалий фан.

Бошқарувнинг мақсади, соҳалари, йўналтирилганлиги, қўлланиладиган усул ва техникаларини инобатга олган ҳолда уни умумий, хусусий, тезкор, тактик ва стратегик кабиларга ажратиш мумкин.

Стратегик бошқарув деб, аниқ мақсадни амалга ошириш учун, институтлар фаолиятини тартибга соладиган умумий, хусусий, тезкор, тактик бошқарув турларидан шаклан ва мазмунан долзарблик, муҳимлик жиҳатлари билан ажралиб турадиган жараённинг алоҳида турига нисбатан айтилади.

Стратегик бошқарув, ижтимоий, сиёсий, иқтисодий институтларнинг ҳаётидаги биринчи кўринишдан иккинчи кўринишга ўтиш ҳолати, уларнинг сифат нуқтаи назаридан янги ўсиш ҳолатига чиқиш жараёнини таъминлаш билан боғлиқ бўлиб, бу тушунчанинг генезисига эътибор қаратсак, бевосита инсонлар томонидан дунёнинг барпо этилиши ва унинг эволюциясини идрок этишнинг биринчи уринишларига бориб тақалади.

Бу ўз навбатида, жамият ҳаётининг барча соҳаларини (ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маърифий) чуқур илмий ўрганиб, аниқланган муаммоларни таҳлил қилишда илмий асосларга таяниш лозимлигини тақозо этади. Бундан кўзланган мақсад эса, миллий манфаатларни ҳимоя этишдан иборат бўлиб, стратегик бошқарувни самарали амалга ошириш учун мавжуд ресурсларнинг имкониятини аниқлаб, фойдаланиш тартибини белгилаб олишдан иборат.

4.2. Қарорнинг мақсад ва вазифалари.

Педагогик жараёни бошқаришда тезкор қарор қабул қилиш талаб этилади. Негаки вазият омили ўз таъсир даражасига эгадир. Шу сабабли, қарорга айрим талаблар қўйилади. Булар:

- Қарор илмий асосланган бўлиши лозим.
- Тезислар бир-бири билан алоқадор ва яқдил бўлиши керак.
- Ҳуқуқ ва жавобгарлик доирасида бўлиши лозим.
- Аниқ йўналишга эга бўлиши керак.
- Вакт бўйича қисқа ва аниқ бўлиши керак.

- Тезкор бўлиши керак.
- Педагогик фаолият манфаатларини ҳимоялашга қаратилган бўлиши керак.
- Мавжуд ресурсларни инобатга олган бўлиши керак.
- Ўқув, ўқув - услубий, маънавий - маърифий ва ташкилий вазифаларни камраб олган бўлиши керак.

Педагогик тизим доирасида қарор қабул қилиш – бу фаолиятнинг марказий нуқтаси ҳисобланади. Унда танланган мақсад ўз аксини топган бўлади. Шу сабабли, қарор қабул қилиш жараёни фикрлаш жараёни бўлиб, у олдиндан мақсадни ва ҳаракатларни амалга ошириш услубини англашни, макон ва вақт, вазият ва масъулиятни ҳис этишни тақозо этади. Назарий жиҳатдан, жараён тарзида қарор қабул қилишга нисбатан **учта** ёндашувни ажратиш мумкин:

1. **Интуитив ёндашув** (бунда қарор ҳис –туйғулар асосида қабул қилинади, “тарафдорлар” ва “қаршилар” таҳлил қилинмайди. Маълумки, одамнинг интуицияси тажрибани эгаллаш билан биргаликда ривожланади. Турли кишиларда бу сезги турлича даражада ифодаланади. Маълумотлар далолат беришича, тўғри қарор қабул қилишда бу ёндашувнинг имкониятлари катта эмас. Қарор қабул қилишда одам ўз интуициясини бошқа ёндашувлар билан биргаликда мустаҳкамлаб бориши керак);

2. **Далилларга асосланган тарзда ёндашиш** (бу билимларга ва тўпланган тажрибага асосланган қарор танловидир. Бундай қарорлар мантиқан олганда суст, лекин бу ёндашувнинг афзаллиги унинг тезлиги ва альтернативаларни танлашнинг кам сарфлилигидадир. Билим ва тажрибадан фойдаланиб, соғлом фикрга асосланиб, одам олдин ўхшаш вазиятларда кўпроқ муваффақият келтирган вариантни танлайди. Агар одамнинг олдинги тажрибасида ўхшаш вазият бўлмаган бўлса, бу ёндашув одатда натижа бермайди);

3. **Рационал ёндашиш** (у олдинги тажрибага боғлиқ эмас ва таҳлилий асосланган қарор. Маълум бир муаммонинг рационал ечимини топиш куйидаги босқичларни босиб ўтади:

- муаммонинг диагностикаси;
- қарор қабул қилиш учун чекланганликларни ва мезонларни ифодалаш;
- альтернативаларни топиш;
- альтернативаларни баҳолаш;
- охириги (якуний) танлов).

Шу боис, қарор қабул қилишда вазиятни (ҳолатни) диагностикасини, прогнозини амалга ошириш талаб этилади. Бунинг учун аниқ ўлчов бирлигига эга бўлган усулдан восита сифатида фойдаланиш талаб этилади. Масалан, жамоавий муносабатларга талукли бўлган муаммони ўрганишда Социометрия, гуруҳий жипсликни дагностикаси, фаолиятдан қоникқанлик ҳолатини баҳолаш тастларини қўллаш мумкин.

4.3. Қарор қабул қилиш технологияси.

Қарор, вужудга келган муаммони бартараф этиши учун норматив талабларга мос тушиши билан бирга аниқ шаклга таалукли бўлиши шарт. Қарорнинг асосий шакллари:

- яккабошчилик принципи асосида қабул қилинган қарорлар,
- коллегиялик (кўпчилик фикри) асосида қабул қилинган қарорлар,
- консесус принципи асосида қабул қилинган қарорлар,
- «Рингли» усул асосида қабул қилинган қарорлар.

Қарорни қайси турга тааллуқлигидан қатъий назар, уларда норматив талаблар сақланган бўлиши лозим. Булар:

Қарорнинг самарадорлиги. Танланган альтернатива муаммоли вазиятни конструктив бартараф этишни таъминлаши ва эҳтимолда тутилганлардан энг яхшиси бўлиши керак.

Қарорнинг асосланганлиги. Қабул қилинаётган альтернатива нафақат реал вазиятнинг хусусиятларини адекват акс эттириши ва уни бартараф этишнинг конкрет йўллари кўрсатиши, балки шу қарор билан алоқадор одамларга ҳам тушунарли бўлиши керак.

Қарорнинг ўз вақтидалиги. “Абсолют тўғри” қарорнинг ўзи йўқ. Ҳар қандай қарор у ёки бу даврда юзага келадиган, ҳаракатчан ва бир-бирларини алмаштириб турадиган вазиятлар вақтида тўғри бўлиши мумкин. Шунинг учун ўз-ўзича тўғри қарор ўз вақтида эмаслиг – кечикканлиги ёки вақтидан илгарироқ қабул қилинганлиги оқибатида хато қарор сифатида баҳоланиши мумкин.

Қарорнинг бажариш имконияти. Ҳар қандай яхши, асосланган, ўз вақтидаги қарор ҳам агар амалга оширилмаса бефойда қарорга айланади. Бу ҳолда баъзида фикран (мавҳум) яхши қарор варианты билан реал – бажариладиган вариантлар ўртасида гўёки компромисс вариант сифатида ижро этилади (оилада, ишхонада қарорнинг олдинги вариантини ўзгартириб келишувчанликка бориш ҳолатлари).

Қарорнинг конкретлиги ва регламентлиги. Яхши қарор нафақат муаммоли вазиятдан чиқишнинг умумий – принципиал ечимини беради, балки бу қарорни амалга ошириш ва ҳаракатлар кетма-кетлигини – яъни режасини ҳам ўз ичига олади. Бу ҳолат қарор ижросини назорат қилиш ва шу орқали муаммога конструктив ёндошиш имконини беради.

Қарорда қатъийлик ва эгилувчанликка амал қилганлиги. Агар қарор қабул қилиндими, у бажарилиши керак, деган қоида бор. Шунинг учун ҳам қабул қилинган қарорни бажарилишида (иш фаолиятидами, оиладами) қаттиқлик намоён қилиниши керак. Шу маълумки, баъзи ҳолларда қабул қилинган қарорнинг хатолигини пайқаб қоламиз (раҳбарлик фаолиятида тез-тез учраб ткради). Бундай ҳолларда “захирадаги вариантлар” ишга тушиши орқали хатони тўғрилаш мумкин бўлади.

Қарорда “чекловчи омил” принципини инобатга олинганлиги.

Бунда бир нечта альтернативалар ичидан муҳими танлаб олинаётганда одам чекловчи ёки ҳал қилувчи омилларга эътибор бериб уларни аниқ англаши керак.

Қарор қабул қилиш жараёни кўп қиррали жараён ҳисобланиб, мажмуавий ёндашишни тақозо этади. Назарий жиҳатдан қарор қабул қилиш жараёни **бирнечта босқичларга** амалга оширилади.

Қарор қабул қилишнинг **биринчи босқичи** – муаммони ўрганиш – бир нечта этаплардан ташкил топади:

1. Муаммони ёки мақсадни аниқлаштириш.

2. Дастлабки муаммо (мақсад)ни қўйиш.

Агар муаммо (мақсад) нотўғри қўйилган бўлса, кейинги барча ҳаракатлар ва харажатлар самарасиз бўлади. Муаммонинг нотўғри танланиши малаканинг (айниқса раҳбарлик малакасининг) пастлиги билан, кескин касбий установакалар (чегарадан чиқиш умуман мумкин эмаслиги талаби) билан, шунингдек, муаммонинг ўз вақтида эмаслиги ёки “юқоридан мажбур қилишлар билан ёки юқорининг қарорлари билан боғлиқ бўлиши мумкин. Бу босқичда конкрет қийинчиликларни, муаммо табиатини (у нима учун пайдо бўлганини) англаш, муаммони ечиш мақсадларини ўйлаб чиқиш, эришилган мақсадлар муваффақияти мезонларини ажратиб олиш, эришилиши лозим бўлган пировард натижани аниқлаштириш зарур.

3. Ваколатларни тақсимлаш.

Қарор қабул қилаётган шахс муаммоларнинг ечимини ўзи топа олмайди, шунинг учун айрим ваколатларни бошқа иштирокчиларга (компетент ходимларга) узатиши маъқул. Улар қарор қабул қилиш учун ахборотни тўплашлари, муаммони қараб чиқишлари мумкин. Ваколатларни тақсимламаслик оқибатида барча ишни қилишга улгурмасдан, стереотип ва хатто хато қарорларни қабул қилиш мумкин. Ваколатни тўла тақсимламаслик ҳам яхши самара бермайди.

4. Зарурий ахборотни жамлаш ва уни таҳлил қилиш. Нафақат “ўзининг” (Ин гуруҳ аъзоларининг) ахборотини, балки “бегона” (Аут гуруҳ аъзоларининг) ахборотини инобатга олиши шарт.

5. Муаммоли вазиятнинг концептуал моделини тузиш. Бу муаммони тушуниш бўйича тасаввурларни, умуман ушбу муаммога нисбатан қарашлар тизимини назарда тутади. Муаммога тор нуқтаи назардан, ғоявий установакалар ва эскирган қарашлар нуқтаи назаридан муносабатда бўлиш керак эмас. Бу муаммони яхлит, концептуал тушунишни бузилишига олиб келиши мумкин.

6. Конкрет вазиятни асослаш ва унинг формаллашган моделини тузиш. Бундай модел шахобчали график ёки мақсадлар дарахти (ечимлар дарахти) кўринишида бўлиши мумкин.

Қарор қабул қилишнинг **иккинчи босқичи** – ғоялар ишлаб чиқиш – муаммонинг ечим йўллари шакллантиришдан иборат. Ғоялар ишлаб чиқишнинг самарали методларидан бири “ақлий хужум” (брейнсторминг) методи ҳисобланади.

Қарор қабул қилишнинг **учинчи босқичи** – ғояларни баҳолаш – ҳар бир ғоянинг қийматини, устунликларини, унинг самарадорлигини ва риск (таваккалчилик) даражасини баҳолашдан иборат. Рискда режасини баҳолаганда одам биринчи навбатда шахсий хавфсизлик мотивларини (ким биландир конфликт бўлиши таваккалини, вазиятда кутилмаганлик таваккалини, обрўлилик таваккалини ва б.) ҳисобга олади, аммо ғояни ўзининг таваккалини (рискини) баҳоламайди.

Ҳар бир ғоя(танлов)нинг самарадорлигини ва таваккалчилиги (риски)ни бошланғич “ечимлар дарахтини” қуриш ёрдамида баҳолаш мумкин. Бу дарахт мавжуд альтернативалар ва уларнинг эҳтимолий оқибатлари схемасидан иборат бўлади. Бундай схемаларни тузиш, айниқса изчил қарор қабул қилишда самрали бўлади.

Қабул қилинган қарор самарадорлигининг мезони – бу кетган харажатларни энг кам муддатда қоплаб яхши даромад олишга эришиш.

Қарор қабул қилишнинг **тўртинчи босқичи** – бу якуний танлов (бошқарувда буйруқ шаклида шакллантириш ва ифодалаш) – бу босқич қарор бажарилшини режалаштиришни таъминлаб беради. Бунда мазкур қарорни бажариш дастури қабул қилинади, муддати белгиланади.

Қарор қабул қилишнинг бешинчи босқичи – қайтарма алоқа ва қарорни таҳлил этиш – бунда қабул қилинган қарорни амалий бажариш назарда тутилади.

Қабул қилинган қарорни бажаришнинг якуний босқичида қарор натижалари таҳлил қилинади, зарур ҳолларда ўзгартиришлар (корректировка) киритилади. Назорат қабул қилинган қарорни ўз вақтида бажаришни таъминлаш мақсадида зарур бўлади.

Назорат саволлари:

1. Қарор тушунчасининг тавсифини биласизми?
2. Вазиятли қарор деганда нимани тушунасиз?
3. Қарорнинг қандай турлари мавжуд?
4. Қарорнинг вазифаларини ажратиб беринг?
5. Педагогик фаолиятда қарорнинг ўрни нимадан иборат?
6. Қарор тушунчасига қандай тариф берасиз?
7. Қарорни жорий қилиш тартиби нимадан иборат?
8. Қарор қабул қилишда шахс омили деганда нимани тушунасиз?
9. Қарор қабул қилиш зарурияти деганда нимани тушуниш лозим?
10. Қарор қабул қилишнинг асосий босқичларини кўрсатинг?
11. Стратегик ва тезкор қарорларни ўзаро боғлиқлиги нимада намоён бўлади?
12. Қарорга қўйиладиган талаблар нечита?
13. Қарорларга қўйиладиган талабларни биласизми?
14. Қарор нечта босқичда қабул қилинади?
15. Қарор варинатларининг вазифаси нимадан иборат?

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Бендерская Е.Н., Колесников Д.Н., Пахомова В.И. и др. Системный анализ и принятие решений // Учебное пособие. - СПб.: СПб ГТУ, 2001. - 206 с.
2. Вертакова Ю.В. Управленческие решения, разработка и выбор. М.КНОРУС.2005
3. Волкова В.Н., Денисов А.А. Основы теории систем и системного анализа. - СПб.: СПб ГТУ, 2003. - 510 с.
4. Осипова Е.К. Психологические основы формирования профессионального мышления учителя // Автореф. дисс. ... докт. психол. наук. – Москва, 1988. – 38 с.
5. Системный анализ и принятие решений // Словарь - справочник. Учебное пособие для вузов / Под ред. В.Н. Волковой и В.Н. Козлова. - М.: Высшая школа, 2004. -616 с.
6. Самаров Р. Педагогик фаолият тизими такомиллашувини таъминлашда тизимли таҳлил: функционал ёндашув // Ж. Замоनावий таълим 2015, 12-сон. 23-29 – бетлар.
7. Самаров Р., Садриддинов С.Таълим мазмунини белгилашнинг структуравий-функционал жиҳатлари (Шахсга йўналтирилган таълим мисолида) // Ж. Замоनावий таълим 2016, 2-сон. 9-15 – бетлар.
8. Самаров Р. Педагогик фаолият тизими такомиллашувини таъминлашда тизимли таҳлил: функционал ёндашув // Ж. Замоनावий таълим 2015, 12-сон. 23-29 – бетлар.
9. Хоффер Дж.А., Джордж Ж.Ф., Валаич Ж.С. Современный системный анализ и проектирование. – США.: Пиарсон эдукатион, 2002.
10. Кокарева Т. А. Системный анализ процедур принятия управленческих решений. – М.: Леспром., 1991.
11. Managing with Systems Thinking, Michael Ballé, McGraw-Hill, London, 1994.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-амалий машғулот:

Педагогик муаммоларни ҳал қилишда тизимли таҳлилдан фойдаланиш техникаси.

Амалий машғулотнинг мақсади. Вазият омилини инобатга олган ҳолда, тизимли таҳлилни амалга ошириш учун муаммони (предметни) белгилаб олиш.

Вазифа:

■ тизимли таҳлил турини таҳлилни амалга ошириш усулларида, тизимли ёндашувни тизимли шарҳлашдан вазифадорлиги жиҳатидан ажратиш;

■ қарор чиқариш учун турли вариантли жавобларни тайёрлаш ва б.

Машқ: Мутахассислиги бўлим бажарадиган вазифаларига мос тушмайдиган Равшан Абдурахмоновга бўлим бошлиғи лавозимини эгаллаш тавсия этилди. У, лавозимни эгаллашга розилик берди ва ишни бошлади. Ўзининг касбий лойиқлигини кўрсатиш мақсадида кенг қамровли ишларни амалга оширишни мақсад қилиб олди. Бунинг учун, Равшан Абдурахмонов қандай йўл тутди? (белгилаб олинг).

Турли вазиятлар борлигини инобатга олган ҳолда, аниқ таҳлилий услублар воситасида тизимли таҳлил ўтказиб, Равшан Абдурахмоновнинг стратегиясини белгилаб беринг. Бунда:

- Бўлимнинг фаолияти қандай тарзда кечади?
- Бўлимдаги маънавий–ахлоқий муҳит қандай “ранг” олади?
- Бўлим кенгайдими ёки қисқарадими?
- Бу ҳолатлардан ким манфаатдор?
- Р.Абдурахмоновнинг тақдири қандай кечади?

Машқни бажариш тартиби:

А) Ўз устида ишлаб, бўлинмалар фаолияти билан яқиндан танишиб чиқади, соҳа усталарини аниқлаб улар билан ҳамкорлик қилади.

Б) Бўлинма бошлиқларини алмаштиради, янгиларини тайинлайди.

В) Ишни танқид қилишдан бошлаб, қўлга киритилган барча натижаларни йўққа чиқаради.

Г) Жамога ўзининг тарафдорларини олиб келади.

■ Сиз-чи, нима деб ўйлайсиз: -Р. Абдурахмонов яна қандай йўл тутиши мумкин?

Равшан Абдурахмоновнинг ўрнига ўзингизни қўйиб кўрингчи?

Саволлар борми? Марҳамат ...

Машқни бажариш давомида қуйида келтирилган ҳолатларга эътибор қаратинг:

Таҳлил давомида мақсаднинг синтезлашуви, ижтимоийлашуви, объективлашуви каби жараёнлар кечади. Шу боис, таҳлилни амалга оширишда қуйидаги тамойилларга амал қилиш лозим:

- ҳар қандай ахборотни мутахассис сифатида объектив баҳолаш;
- аниқ вазиятни эътиборга олиш;
- ишонччилик, яъни далилларга суяниш;
- таҳлилнинг конструктивлиги;
- таҳлилнинг босқиччилиги;
- таҳлилнинг тушунарлилиги;
- таҳлилнинг тизимлилиги;

таҳлилни амалга оширишда аниқ метрик методикалардан фойдаланиш;

□ жамланган ахборотни яхлит тарзда шарҳлаш ва б.

Машқни бажариш жраёнида:

■ “Хато” ва “Тўғри” жавоблар йўқ !

■ Ҳар бир иштирокчининг фикри қимматли !

■ Машқ иштирокчилари бир бирига хайрхоҳ!

■ “Менинг кўлимдан келмайди”. “Мен тайёр эмас” каби баҳоналарни келтириш шарт эмас !

■ Амалий машғулот иштирокчилари, ўз қарашларида қолишларига ҳақли эканлиглари эса тутинг.

Машқни ким биринчилардан бўлиб шарҳлаб беради?

Марҳамат, тайёрлаган жавобингизни ўқиб эшиттиринг. Бунда:

❖ келтирилган далилларингизни сабаб ва оқибат алоқадорлигини асослаб беринг;

❖ жорий ва идеал вазият борлигини инобатга олиб, жавоб вариантларини шарҳлаб беринг!

2-амалий машғулот:

Қарор қабул қилишда моделлаштириш ва прогнозлаштириш.

Амалий машғулотнинг мақсади: тингловчиларга тизимли таҳлил асосида қарор қабули қилиш учун моделлаштириш усулидан фойдаланиш техникасини ўргатишдан иборат.

Бунинг учун қуйидаги шартли қадамлар асосида иш олиб борилади:

- тингловчилар гуруҳини “Биз”-эмоционал бирлик асосида жамлаш (шакллантириш/келтириш);

- моделлаштириш ва унинг амалий аҳамияти ҳақида маълумот бериш;

- ахборот сифатини баҳолашни ўргатиш;

- услубий ёрдам кўрсатиш.

Мунозара учун тезис: Таълим-тарбия тизимида, ахборот ёрдамида психологик таъсир кўрсатишнинг турлари, воситалари кўп бўлиб, уларнинг асосийлари сифатида **стратегик, тезкор (вазиятли)** ва **тактик** каби турларини кўрсатиб ўтиш мумкин.

Ахборот ёрдамида психологик таъсир кўрсатишнинг кўп тарқалган турлардан бири, бу жамиятнинг маданий соҳасига таъсир кўрсатишда санъат ва маданият омилларидан фойдаланиш ҳолатини кузатилишидир. Масалан, бадий фильмлар орқали, жамият аъзоларини хулқини “керакли” тарзда ўзгартириш мумкин. Бу ҳолатни жамиятнинг маданий соҳасига қаратилган, маънавий таҳдид сифатида кўрсатиб ўтиш мумкин.

Эслатма!

Ахборот оқимининг кўплиги, хабар узатиш каналларининг ранг-баранглиги ва хабарларни турли манфаатлар (ғоялар) асосида шарҳланиши, уларни танлаш ва саралаш имконини мураккаблаштиради, қаруро қабул

қилувчини чалғитади.

Машқ:

“Амалдорлар: “Бизларга душманларимиз ёмонлик қиляптилар”, - десалар ҳам ишонмаслик керак, бўлмаса ботирликлари ошиб, истаган ишларини қиладилар. Хабар берувчилар ва ишонарли кишилар ҳам аҳволни тўғри билмай, подшоҳ ва иктаъ (чек) соҳибларига насиҳат қилмайдилар, чунки улар ғаразли кишилар бўлиб чиқишлари мумкин. Шу сабабдан одам вайрон ҳолга тушади, раият кашшоқ ва солиқлар ноҳақ тартибда олинадиган бўлади” (Манба: Низомулмулк. Сиёсатнома ёки Сияр ул-мулк (Форс тилидан тарж., сўз боши ва изоҳлар муаллифи Шодмон Воҳид Ҳусайнзода, А.Эркинов). – Т.: Адолат, 1997. – Б. 131).

Машқни бажариш тартиби:

Тренингни ҳар бир иштирокчиси, Низомулмулк томонидан билдирилган қарашни жамият доирасида таълимий ахборотнинг психологик хавфсизлигини таъминлаш тамойиллари асосида шарҳлаши лозим.

Бунинг учун *тренинг* иштирокчилари оқ қоғозда (дафтарда) машқнинг мазмунини, ахборотнинг психологик хавфсизлигини таъминлаш таълимотларига таяниб, жумладан:

❖ Ахборотнинг психологик хавфсизлигини таъминлашда индивидуал ёндашиш;

❖ Ахборотнинг психологик хавфсизлигини таъминлашда фаолиятли-функционал ёндашиш;

❖ Ахборотнинг психологик хавфсизлигини таъминлашда структуравий ёндашиш;

❖ Ахборотнинг психологик хавфсизлигини таъминлашда тизимли ёндашиш;

❖ Ахборотнинг психологик хавфсизлигини таъминлашда вазиятли ва маданий ёндашиш;

❖ Ахборотнинг психологик хавфсизлигини таъминлашда соҳавий (ўқиталадиган предмет, касбий) ёндашиш.

Машқни бажариш тартиби:

Ҳар бир иштирокчи, машқ дафтарида (ёки алоҳида вароқда) контент таҳлил услубидан фойдаланиб, матнни тузулиши, кимга қаратилганлиги, кўзланган мақсад нимдан иборатлигини “Ахборотнинг психологик хавфсизлигини таъминлаш таълимоти”нинг қонуниятларидан фойдаланиб изоҳлаб беришлари лозим.

Бошқа иштирокчиларни жавобларини қайтариш (кўчириш), танқид қилиш, тўлдириш тавсия этилмайди.

Биринчи ва Иккинчи маърузалар матнidan фойдаланиш мумкин.

Мен тайёр эмас, кейинроқ жавоб бераман каби манипулятив ёндашувлардан фойдаланмаслик лозим.

Машқни бажариш учун 15 дақиқа вақт ажратилади.

Эҳтимолий жавоблар варианти:

1. Мутафаккир ахборот сифати, ахборотда аниқ манфаат ва кутишларнинг ифодаланганлигига эътибор қаратган.
2. Мутафаккир, ахборотнинг ишлаб чиқарувчиси, ахборотнинг макони ва аниқ мақсади борлигини кўрсатган.
3. Мутафаккир, ахборот инсонни фаолият йўналишини (қарор қабул қилишда) таъминлаб беришини ўқтирган.
4. Мутафаккир ижтимоий муносабатлар тизимида турли хил шаклдаги низоларнинг вужудга келишида ахборот маданиятига риюя этмаганлик сабаб бўлиши мумкинлигини кўрсатиб ўтган.
5. Мутафаккир, бошқарувда ахборотни саралаш лозимлигини кўрсатган.

Амалий машғулот ўтказиш бўйича тавсиялар

Амалий машғулотни ўтказиш (режалаштириш, сюжетларни тузиш, баҳолаш мезонларини танлаш, меърларни жорий этиш)да педагогик фаолият, таълим-тарбиянинг мақади ва миллий манфаатларни ҳимоялаш масаласига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Педагогик низо масаласини мавзу сифатида муҳокама чиқаришда педагогик низо турлдари, динамикаси ва уни бошқаришда конструктивистик етакси ғоя бўлишини таъминлаш лозим.

Ҳар қандай вазият (машқ) нисбий эканлигини, вақт ва макон борлигини инобатга олиб, тингловчиларнинг манфаати ва шахсий нуқтаи назари борлигини назарда тутиш лозим.

Муаммоли вазиятлар бўйича қарор қабул қилар экан, тингловчилар бошқарув қарорларини қабул қилишнинг тизимли, вазиятли, интуитив ёндашувларни ўзларида ҳис этишади.

Қарор қабул қилиш жарайнида жуда кўплаб омилларни, жумладан иқтисодий, сиёсий, табиий, ижтимоий омилларни ҳам инобатга олмоқ зарур. Чунки улар ижрога ҳам у ёки бу тарзда таъсир кўрсатиши аниқ.

Қарор қабул қилиш субъекти деганда қарор қабул қилувчи киши назарда тутилади. Бу умумлаштирувчи тушунча. Чунки қарор қабул қилувчи деганда бир киши (раҳбар) ёки одамлар гуруҳи (маъмурият) тушунилиши мумкин. Қарор қабул қилувчи субъект қарор қабул қилишда эксперт-мутахассисларни ҳам жалб этиши мумкин.

Қарорлар вариантларидан бирини танлаш раҳбар шахсига ҳам боғлиқ. Қарор қабул қилувчи шахснинг типологик, ижтимоий психологик хусусиятлари қарор қабул қилиш жараёнида ўз таъсирини кўрсатади. Масалан, шахснинг индивидуал-психологик хусусиятларидан бири – темперамент ҳам ўз таъсирини ўтказади. Маълумки, сангвиник ва холерик раҳбарлар қарор қабул қилишда шошишади, флегматик ва меланхолик раҳбарлар эса шошилишмайди. Шу нуқтаи назардан қарорлар ҳам бир-биридан фарқланади:

1. **Босиқлик билан чиқариладиган қарорлар** – ўз хатти-харакатларига эътибор ва танқидий назар қаратилади. Ғоя олдиндан шакллантирилади.

2. **Импульсив қарорлар** – жуда кўп ғоялар ишлаб чиқарилади. Уларни текшириб кўриш имконияти йўқ.

3. **Инерт қарорлар** – эҳтиёт чоралари кўрилган ҳолда чиқариладиган қарорлар. Ғоялар кам. Барчаси текширилади. Ижодкорлик йўқ.

4. **Таваккал чиқариладиган қарорлар** – муаллифлар хавфдан кўрқишмайди.

5. **Эҳтиёткорона чиқариладиган қарорлар** – барча вариантлар мукамал ҳолда текшириб кўрилади. Ўта танқидий ёндошув. Янгиликлар қарайиб йўқ.

Қарор қабул қилиш педагог жараёни бошқариш функцияларидан бири ҳисобланади. **Қарор бир қанча функцияларни** бажаради:

1. **Қарорнинг йўналтирувчи функцияси.** Бунда қарор бошқарувнинг умумий функцияларини, яъни режалаштириш, ташкил қилиш, назорат, мотивация ва ҳ.ларни ҳаётга татбиқ этиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

2. **Координациявий функцияси.** Бунда қарорнинг ижросини таъминлашда ижрочиларнинг хатти-харакатларини координация қилади.

3. **Мотивациявий функцияси.** Бунда қарор ташкилий (буйруқлар, кўрсатмалар ва ҳ.), иқтисодий стимуллар (мукофот, маошга устама ва ҳ.) ва ижтимоий баҳолар (ўзини ўзи тасдиқлаш, шахснинг ўзини намоён қилиши ва ҳ.) кўринишада амалга оширилади.

Назорат саволлари:

1. Педагогик фаолиятингизда тизимли таҳлил усулидан қайси мақсадларда фойдаланасиз?

2. Педагогик фаолиятда тизимли таҳлил асосида қарор қабул қилишни маданий аҳамияти нимада?

3. Тизимнинг қандай турлари бор?

4. Тизим ва унинг турлари ҳақида нималарни биласиз?

5. Педагогик вазиятни тизимли таҳлилини амалга оширишда нечита усулдан фойдаланилади?

6. Тизимли таҳлилнинг мақади нимадан иборат?

7. Ахборотни жамлашда меъёрларга риоя этиш дегани нима?

8. Қарорни қандай турлари бор?

9. Таҳлилнинг мақсад ва вазифалари ҳақида нималарни биласиз?

10. Қарорнинг қандай турлари мавжуд?

11. Педагогик тизимнинг мақсад ва вазифалари нимдан иборат?

12. Муаммони белгилаш технологиясини мақсади нимадан иборат?

13. Таҳлил, изоҳ, шарҳ ва тасниф орасидаги амаллардаги умумийлик ва хусусийлик нимада ифодаланади?

14. Педагогик фаолиятни структурасини шарҳлаб беринг?

15. Тизимли талилда қайси усуллардан фойдаланиш мумкин?
16. Тизимли таҳлилни амалга оширишда қайси моделлардан фойдаланиш мумкин?
17. Тизимли таҳлилни амалга оширишда кўп қўлланиладиган таҳлил моделлари қайсилар?
18. Қарор вариантлари деганда нимани тушунасиз?
19. Институтционал манфаатдорлик дегани нима?
20. Тизимли таҳлилнинг асосий принципларидан фойдаланаласизми?
21. “Кириш” ва “Чиқиш”ни мақсад ва вазифалри нимадан иборат?
22. Тескари алоқанинг принциплари ва функцияларини биласизми?
23. Тизимнинг асосий белгилари борми?
24. “Тизим” тушунчасига таъриф бераоласизми?
25. Тизим, алоқа ва ташқи муҳит элементлари ҳақида нималарни биласиз?
26. Тизимнинг муҳит билан ўзаро алоқаси деганда нимани назарда тутасиз?
27. Тизим ҳолати ва ҳаракати деганда нимани тушунасиз?
28. Қарорнинг тузилиши деганда нимани тушунасиз?
29. Педагогик муаммо деганда нимани тушунасиз?
30. Педагогик муаммони ўрганиш технологияси деганда нимани тушунасиз?
31. Ахборот сифати деганда нимани тушунасиз?
32. Педагогик фаолиятда низо дегада нимани тушунасиз?
33. Педагогик вазиятда вақт ва макон омиллари деганда нимани тушунасиз?
34. Педагогик тактнинг структурасини биласизми?
35. Модел ва унинг турларини вазифадорлиги бўйича шарҳлай оласими?

V. КЕЙСЛАР БАНКИ

Мини-кейс 1.

«Эксперт кенгаши: интилиш ва юксалиш?»

Тингловчиларнинг билимини баҳолашда уларни билиши талаб этилган меъёр даражасида синов ўтказилади. Материалларни яхши ўзлаштирган тингловчилар баҳоланган сўнг одатда эришган билимлари доирасида тўхтаб қолади ва кўшимча билиниши юксалтиришга интилмайди. Таълимий материалларни яхши ўзлаштирмаган тингловчилар баҳолаш синовидан озод қилишларини хоҳлайди ва унга интиладилар, аммо билимни тиклаш интилмайдилар.

Таълим жараёнида нега бундай ҳолат кузатилади? Буни бартараф этиш учун тизимли таҳлил тамойилларига таянган ҳолда ўзингизнинг таклифингизни беринг.

Мини-кейс 2.

“Педагогик жараёни мақсадли бошқариш учун таълимий манбаларнинг сифати, педагогнинг касбий тайёргарлиги, таълим усули, таълим воситаси ҳамоҳанг бўлиши билан бирга – талабада фанга нисбатан қизиқиш юқори даражада ифодаланган бўлиши шартдир”

Педагогик тизим, бу ягона мақсад сари, аниқроғи инсоннинг камолотини таъминлаш учун ўзаро алоқадор бўлган, бир бирини тўлдирувчи, такомиллаштирувчи, сон ёки сифат кўрсаткичи бўйича бир унсур ўзгарса албатта иккинчи унсур ҳам ўзгарадиган, турли тузилмавий таркиблардан (яъни: педагогик жараён, педагогик фаолият, педагогик ҳамкорлик, педагогик амалиёт (мавжудлик)) иборат бўлган мажмуа(яхлитлик)дир. Масалан, педагогик жараён аслида тизимости (подсистема), лекин автоном (алоҳида) тизим сифатида ҳам (танланиб) ўрганилиши мумкин.

Нега бундай вазият кузатилади? Буни ижобий ва салбий жиҳатларини асослаб беорини учун қандай йўл тутиши керак?

Мини-кейс 3

“Тизимли таҳлилнинг таркибий қисмларини белгилаб беринг”?

Тизимли таҳлилнинг таркибий қисмлари:

- ахборот билан таъминлаш манбаи;
- ахборотнинг сифати;
- таҳлилий усул ва воситалар;
- таҳлилни амалга ошириш концепцияси;
- таҳлилни амалга ошириш учун услубий ва ахборий характерга эга бўлган манбалар билан таъминланганлиги;
- таҳлилни амалга ошириш мақсади;
- таҳлилий жараёнда қўлланиладиган техник воситалар ва ҳоказо.

Қарор қабул қилишда ушбу таркиблардан қайси тартиб асосида фойдаланиш мақбул ҳисобланади?

Овоза қилиш - афиширлаш

Асосий кейсни ишлаб чиқиш.

Ҳар бир гуруҳ миникейсларни ишлаб чиқишда асосий кейсни ечимини топиш бўйича ўзлаштирилган билимлари бўйича ўзининг таклифини беради. Бунинг натижасида у ёки бу қарор қабул қилинади ёки хулосага келинади.



IV босқич. Рефлексия

«Рефлексия савати»

Тингловчилар фаол иштирок этган-маҳоратли тингловчини ишини баҳолайди. Ўзининг тақризини махсус саватга солишади.

Шундан сўнг, педагог - тренер кейс ўтказиш бўйича умумий хулосани баён этади.

VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ

Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни.

Тингловчи мустақил ишни муайян модулни хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланиб тайёрлаши тавсия этилади:

- меъёрий ҳужжатлардан, ўқув ва илмий адабиётлардан фойдаланиш асосида модул мавзуларини ўрганиш;

- тарқатма материаллар бўйича маърузалар қисмини ўзлаштириш;

- автоматлаштирилган ўргатувчи ва назорат қилувчи дастурлар билан ишлаш;

- махсус адабиётлар бўйича модул бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;

- тингловчининг касбий фаолияти билан боғлиқ бўлган модул бўлимлари ва мавзуларни чуқур ўрганиш.

Мустақил таълим мавзулари:

1. Тизимли таҳлилни амалга оширишда моделлаштириш усулидан фойдаланиш технологияси.

2. Педагогик муаммоларни ҳал қилишда тизимли таҳлилдан фойдаланиш техникаси.

3. Таълим-тарбия тизимини хавфсизлиги.

4. Қарор қабул қилишда ресурс.

5. Тизимлар назариясидан педагогик фаолиятда методология тарзида фойдаланиш.

6. Оптнер ва Квейднинг усулларини иккиёсий таҳлили.

7. Қарор қабул қилишда таъсир крсатадиган омиллар.

8. Педагогик тизим ва унингсруктураси.

9. Тизимнинг муҳит билан алоқадорлигини хусусий кўрсаткичлари.

10. Тизимлар ва уларнинг функционал классификацияси.

11. Тизимлар назариясининг қиёсий таҳлили.

12. Тизимли таҳлилни амалга оширишда қўлланиладиган таҳлил моделлари.

13. Қарор ва уни таснифи.

14. Янг ва SR тизимли таҳлил ўтказиш методининг молларини шарҳи.

15. Педагогик вазиятларни ўрганишда тизимли таҳлилдан фойдаланиш принциплари.

16. Таҳлилни амалга оширишда педагогик прогноз ва педагогик диагностикадан фойдаланишнинг афзалликлари.

17. Конвергенсия ва унинг структураси.

18. Таълимий манбаларда ахборотнинг психологик хавфсизлигини таъминлаш техникаси.

19. Педагогик фаолиятда психологик таъсир кўрсатиш эффектлари.

20. Қарор қабул қилишнинг асосий шартлари.

21. Тезкор қарор қабул қилиш технологияси.

22. Муҳитдан тизимни ажратиш усули.
23. Муаммони белгилаб олиш технологияси.
24. Голубков ва SR моделларини ўзига хос жиҳатлари.
25. Қарорнинг структурасига қўйиладиган талаблар.
26. Тизимли таҳлил асосида педагогик вазиятни ўрганишнинг амалий аҳамияти.
27. Ахборот ва унинг сифатини баҳолаш мезонлари.
28. Тизимли таҳлил усулларидан фойдаланган тарзда манба тайёрлаш технологияси.
29. Конвергенция жараёни.
30. Педагогик имиж ва индивидуал педагог фаолият.
31. Тизимости унсурларни тизим тарзида ўрганиш усули.
32. Педагогик фаолият ижтимоий тизимнинг тизимости элементи сифатида.
33. Педагогик жамоа ва талабалар жамоаси учун мақбул ахборотнинг принциплари.
34. Тизимли таҳлилни амалга оширишда тизимли идрок.
35. Таълим муҳити ва ахборот.
36. Таълимий ахборотнинг психологик хавфсизлиги.
37. Педагогик фаолиятда миллий манфаатларни ифодаланишини методологик асослари
38. Тизим ва муҳитнинг алоқадорлигини структуравий таҳлили.
39. “Х-педагогик вазиятда қарор қабул қилишнинг асосий тамойиллари.
40. Тизимли таҳлил асосида манба тайёрлашнинг асосий тамойиллари.
41. Қарор қабул қилиш ва уни тадбиқ этишда педагогнинг роли.

VII. ГЛОССАРИЙ

Адолат – (арабча – одиллик, тўғрилик) – ахлоқ ва ҳуқуқнинг асосий категорияларидан бири; қонун олдида барчанинг тенглиги ва қонуннинг барчага баробарлиги.

“Адолат” турлича талқин қилинадиган, хилма-хил тарзда намоён бўладиган тушунчадир. Баъзи ахлоқий- ҳуқуқий меъёрлар ҳам адолат мезони сифатида қаралади. Бу, ўз навбатида, адолат мезонларининг жамият ривожига, инсоният тараққиётига, муайян мамлакат қонун - қоидаларига мос ёки мос эмаслиги билан белгиланади.

Аккламация (лот. *acclamatio* – ундов бериш) халқаро конференциялар ва халқаро ташкилотлар амалиётида учрайдиган бирор қарор қабул қилишнинг овоз беришсиз, иштирокчиларнинг муносабатларини қичқирик, хиссиётларини намоён этиш орқали ўрганиш усулидир.

Альтернат (лот. *alternus* - кетма-кетлик) шундай тартибки, бунда имзоланиши керак бўлган халқаро шартноманинг биринчи бетида тарафларнинг номланишлари, вакилларнинг имзолари, муҳр, шунингдек, келишаётган давлатнинг тилида масаланинг ўзи биринчи ўринда ёзилади. Биринчи имзо учун янада асосий бўлган шартноманинг чап тарафи ёки устма уст қўйилади. Бу икки тарафнинг тенглигидан далолат беради. Альтернат, асосан, камдан кам ҳолда, икки тилда тузиладиган шартномаларни имзолашда қўлланилади.

Аутентик матн (юнон. *aut-hentikos* – асл, биринчи манбадан чиққан) бирор-бир ҳужжатнинг асл матни. Халқаро ҳуқуқда, халқаро шартноманинг қабул қилинган матни якуний деб эълон қилинадиган жараён аутентик матннинг белгиланиши дейилади.

Одатда, агар шартнома бир ёки бир нечта тилларда тузилса, унинг якуний қоидаларида барча матнлар “бир хил кучга эга” деб қайд этилади, яъни аутентик, бир хил ҳақиқий деб ҳисобланади.

Барқарорлик (ижтимоий) - 1) жамият ҳаётининг осойишталиги; 2) ижтимоий тузум элементларининг уйғунлиги; 3) жамиятдаги ижтимоий бирликлар (миллат, дин, қатлам ва бошқ) вакилларининг ҳамкорлиги ва ҳамжиҳатлиги.

Ватанпарварлик – Ватанга нисбатан садоқат, унга хизмат қилиш, юрт тинчлигини асраш, Ватан равнақи учун фаол бўлишга ундайдиган ижтимоий, маънавий-ахлоқий фазилат. Унинг мазмуни - Ватанга меҳр-муҳаббатли ва содиқ бўлишдан, юртнинг ўтмиши ва ҳозирги учун фахрланишдан, мамлакат манфаатларини ҳимоя қилишга интилишдан иборат. Ватанпарварлик ота-боболардан мерос қолган заминни севиш, халқ урф-одатларини, кадриятларини асраш ва ривожлантириш, ўз она Ватанини душманлардан, ёт ва бегона ғоялардан ҳимоя қилиш, унинг озодлиги ва мустақиллиги учун жонини ҳам аямасликни назарда тутати.

Гегемонизм (юнонча *gegemonia* – раҳнамолик, ҳукмронлик, раҳбарлик) – муайян ижтимоий гуруҳ, қатлам, миллат, давлатнинг бошқалар устидан ҳукмронлик қилишини асослашга қаратилган назария ва амалиёт.

Далилларга асосланганлик тамойили. Маълумки, қарор қабул қилишдан олдин муаммоли вазиятга тааллуқли бўлган маълумотлар йиғилади. Мазкур маълумотлар турли хил манбалардан, турли хил ишончлилиқ даражасига эга бўлган ҳолда тўпланади. Маълумотларни саралаш босқичида ҳар бир маълумотнинг далилига эътиборни қаратиш лозим бўлади.

Жамоатчилик фикри - кенг жамоатчиликнинг, омманинг, аҳоли кўпчилиқ қатламининг воқеа-ҳодисаларга, ижтимоий жараёнларга нисбатан муносабатини ифодаловчи фикрлари, ғоя, қараш ва тасаввурлари. Жамоатчилик фикри ижтимоий ҳаёт таъсирида стихияли шаклланиб бориши ёки сиёсий ташкилотлар ва мафкуравий муассасаларнинг омма онгига таъсир кўрсатиши натижасида мақсадга мувофиқ ўзгариб бориши мумкин. У жамоа онгининг ўзига хос умумлашган ифодаси сифатида, алоҳида фикрларнинг ўзаро алмашинуви, бойиши ва уйғунлашиб бориши натижасида юзага келади. Жамоатчилик фикри ақлий, ҳиссий ва иродавий жиҳатларни узвий бирликда ифодалайди ва турли тарзда намоён бўлади. Биринчидан, воқеаларга маънавий муносабат сифатида. Бунда воқеаларни баҳоловчи фикрлар кенг жамоатчилик томонидан бирор-бир тарзда эътироф этилади. Иккинчидан, ғоявий-амалий муносабат сифатида. Унда ҳиссий ва иродавий истаклар, интилиш ва ниятлар оммалашади, жамоатчиликни амалий фаолиятга ундайди. Учинчидан, амалий муносабат сифатида. Бунда кишилар воқеа ва жараёнларга бўлган муносабатларини ўзларининг оммавий ҳаракатлари билан намоён этади. Жамоатчилик фикрининг кўпчиликка таяниши унинг таъсир кучини белгилаб беради.

Идеализм - (юнонча -idea - тасаввур, тушунча) олам ва одамнинг яралиши, табиат ва жамиятнинг моҳияти ва ривожига руҳий, моддий бўлмаган омилларни устувор деб билувчи фалсафий йўналиш. Идеализм тарихи буюк юнон файласуфи Афлотун таълимотидан бошланади. У турли хил фалсафий фикрларни таҳлил қилар экан, ўзини идеализм намояндаси дея очик тан олади. Худди шу даврдан бошлаб фалсафий қарашларда идеализм ва материализм (моддиюнчилик) таълимотлари пайдо бўлган. Идеализм ўз тараққиётида бир қатор даврларни бошдан кечирган. У Афлотун, Фома Аквинский, Шеллинг, Гегель, неотомизм йўналиши намояндалари таълимотида объектив идеализм шаклида, Беркли, Юм ва бошқа баъзи ҳозирги замон Ғарб фалсафий фикри намояндалари таълимотларида эса субъектив идеализм шаклида, ривож топган.

Имтиёзли ҳамкорни белгилаш - муайян минтақада геостратегик манфаатларни амалга оширишга хизмат қиладиган тамойиллардан бири. Муайян асосларга таянган ҳолда (диний, лисоний бирлик, маданий яқинлик ёки бошқа сабабларга кўра), ҳар бир давлат ким биландир имтиёзли ҳамкорлик қилиши мумкин. Бу – табиий. Аммо бу ўринда гап имтиёзли ҳамкордан муайян минтақа давлатлари ўртасида айирмачилиқ майлларини авж олдириш, номақбул бўлиб туюлган давлатлар имкониятларини чеклаш йўлида фойдаланиш, шу билан бирга, ҳамкор давлатнинг минтақадаги бошқа давлатлардан қайсидир жиҳатдан устунлигини таъминлашга қаратилган

интилишлар ҳақида бормокда. Аслида бош мақсад - муайян минтақага таъсир ўтказиш учун ўзига хос плацдармга эга бўлишдан иборат.

Ички ишларга аралашмаслик – халқаро ҳуқуқнинг асосий тамойилларидан бири; бир давлатнинг бошқа бир давлат ишларига аралашмаслиги.

Ҳар бир мустақил давлат ўзининг иқтисодий, ижтимоий сиёсий ва маданий тузилишига ўз ҳудудига, чегаралари, аҳолиси ва бошқа атрибутларига эга бўлиши лозим. Ушбу белгиларнинг мавжудлиги муайян давлатнинг жақондаги ўрни ва нуфузини белгилайди. Агар давлат бу белгиларга эга бўлса-ю, аммо ички ёки ташқи сиёсатини мустақил олиб бора олмаса, бу унинг суверен давлат сифатидаги моҳиятини йўққа чиқаради.

Маданият - (арабча- шаҳарга оид) турлича талқин этиладиган, мураккаб ва кўп маъноли тушунча.

Археология ва этнография, тарих ва социология, политология ва фалсафа каби фанлар ўз вазифа ва мақсадларидан ҳар бир тадқиқотчи эса ўз дунёқараши ва ёндашувидан келиб чиққан ҳолда маданиятнинг таърифини яратади. Француз олими А.Моль XX асрнинг олтишинчи йиллари охирига келиб ана шундай ўзига хосликлар туфайли маданиятнинг 250 дан ортик таърифи яратилганини таъкидлаган эди.

Маънавият – (арабча «маънавият» - маънолар мажмуи) кишиларнинг фалсафий ҳуқуқий, илмий, бадиий, ахлоқий, диний тасаввурлари ва тушунчалари мажмуи. Шу нуқтаи назардан қараганда Ислом. Каримовнинг «Маънавият ҳақида гап кетар экан, мен аввало, инсонни руҳий покланиш ва юксалишга даъват этадиган, инсон ички оламини бойтадиган, унинг иймон – иродасини, эътиқодини мустаҳкамлайдиган, виждонини уйғотадиган қудратли ботиний кучни тасаввур қиламан», - деган фикрлари диққатга сазовордир.

Маҳалла – (арабча –жой, ўрин, макон) кишиларнинг муайян ҳудудда биргаликда яшашлари туфайли юзага келган бирлиги. Маҳалла –йирик жамоадир. Ўтмишда маҳалаларда асосан маълум бир касб-кор одамлари истиқомат қилишган. Маҳаллалар ҳам шунга қараб айтайлик «Заргарлик», «Мисгарлик», «Темирчи», каби номлар билан аталган. Ҳозирги кунда маҳаллаларда бундай «ихтисослашув» йўқ. Шу билан бирга, ҳамкасблар кўпчиликини ташкил этадиган маҳаллалар ҳам йўқ эмас. Буни пойтахтдаги «Профессорлар», «Шифокорлар», «Ишчилар» каби маҳалла номларида ҳам кўришимиз мумкин.

Меҳнат жамоалари - корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар, ишчи ва ходимларнинг фаолиятини амалга оширувчи ижтимоий бирлашмалар бўлиб, инсон умрининг асосий қисми ўтадиган, унинг тафаккури, ҳаётга муносабати шаклланадиган ижтимоий-маънавий муҳитдир. Улар кишида жамоавийлик, меҳнатсеварлик, омилкорлик, адолат тушунчаси, меҳр - оқибат туйғуларини тарбиялайдиган ўзига хос маскан ҳисобланади.

Миллий менталитет (лотинча «meng» — ақл, идрок, зеҳн, фаҳм-фаросат) – миллатнинг тарихан шаклланган тафаккур даражаси, маънавий салоҳияти, яшаш ва фикрлаш тарзи, муайян ижтимоий шароитларда камолга

етган қобилияти ва руҳий қуввати. Бу тушунча миллатга хос анъаналар, расм-русмлар, урф-одатлар, диний эътиқодни ҳам ўз ичига олади. Ўз навбатида у муайян миллатга мансуб кишининг турмуш тарзи, фикрлаши, дунёқарашини ҳам бир қадар белгилайди, гоҳида уни баҳолаш учун асос бўлади.

Фуқаролик – шахс ва давлат ўртасидаги қатъий характердаги сиёсий-ҳуқуқий алоқаки, унинг натижасида улар ўртасида ўзаро ҳуқуқлар ва мажбуриятлар вужудга келади.

Фуқаролик масалалари, авваламбор, ҳар бир давлатнинг ички қонунчилиги билан ҳал қилинади, лекин бундай қонунчилик халқаро ҳуқуқ меъёрларига зид бўлмаслиги лозим. Халқаро ҳуқуқларнинг фуқароликка тааллуқли меъёрлари, асосан, БМТ Низомида, 1957 йилдаги Турмушга чиққан аёлнинг фуқаролиги ҳақидаги Конвенция, 1966 йилдаги Инсон ҳуқуқлари ҳақидаги Пактларда ва бошқа ҳужжатларда, шунингдек давлатлар ўртасидаги кўп сонли минтақавий ва икки томонлама шартномаларда қайд қилинган.

Таҳдид - хавфнинг эҳтимоллик даражасидан реалликка ўтиш жабҳаси бўлиб, у хавфнинг билвосита ҳамда бевосита шакли ёки шахс, жамият ва давлат (шу жумладан дунё ҳамжамияти)нинг манфаатлари, миллий қадриятлар, миллий ҳаёт тарзи учун хавфли шарт-шароит ва омиллар мажмуаси бўлиб, жамиятда мавжуд ёки юзага келиш эҳтимоли бор бўлган реал зиддиятларнинг намоён бўлишидир. Уларни таснифлашда, асосан, таҳдидларнинг келиб чиқиш манбаси инобатга олинади.

Манипулятив мулоқот - алдов йўли билан шахснинг “ишонч”ини қозониш учун мулоқот формасидан суҳбатдошларига мақсадли таъсир кўрсатиш. Унинг ўзига хос даражалари мавжуд, яъни манипуляцияни амалга ошираётган томон овозни ўзгартириш, турли имо-ишораларни қўллаш, аниқ бир ғояни сингдиришда турлича мавзулардан фойдаланиш мумкинлигини кўрсатиб ўтиш мумкин. Бунда инсонда қизиқувчанлик, гуноҳ ва савобни тушуна олиш, кўрқув, бағрикенглик, имонлилик, раҳмдиллик ва шу каби хусусиятларнинг мужассамлашганлигидан тўлиқ фойдаланилади. Антиманипулятив хулқ бировларнинг шахсий кадр-қимматини, ҳуқуқини поймол этмасдан, ўз қадрини, ҳуқуқини билиб унга риоя этиш ва талаб қила олишдан иборат.

Антиманипулятив хулқ бировларни шахсий кадр-қийматини, ҳуқуқини поймол этмасдан, ўз қадрини, ҳуқуқини билиб унга риоя этиш ва талаб қила олишдан иборат бўлган хулқ намунаси. Буни «ассертив» хулқ ҳам дейилади. Қачонки инсон ўз ҳатти ҳаракатларининг чегараси, меъёрини билиб унга риоя этса ва бировларни кадр-қийматини, ҳақ-ҳуқуқини ҳурмат қилиб, одоб доирасида уни жойига қўя олади.

Холислик тамойили. Ҳар қандай қарор қабул қилинганда қарор қабул қилувчи маълумотларни холислик билан таҳлил қилмаса, унинг чиқарган қарорида бир ёқламалик, қарорни маълум томонларга буриш ҳодисаси кузатилади. Холислик билан чиқарилган қарорда ҳеч бир томоннинг манфаатлари алоҳида қаралмайди ва қарор ҳис-туйхуларга берилмасдан

чиқарилади.

Шахс хавфсизлиги бу унинг ҳаётини муҳим бўлган кадрларини ҳимояланганлиги, эҳтиёжларини қондириш учун турли кўриниш ва мазмунларга эга бўлган хавф-хатар ва таҳдидларнинг бартараф этилганлиги, ўзини намоён этиши ҳамда шахсий камол топиши учун етарли бўлган шарт-шароитларнинг мавжудлиги, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини жамоа, жамият ҳамда давлат доирасида таъминланганлиги ва ҳимояланганлик ҳолати бўлиб, у ўзгарувчан характерга эгадир. Шахс хавфсизлигига раҳна солувчи хавф ва таҳдидлар ташқи ҳамда ички таъсирлар асосида шаклланади.

Меъёр – ижро интизомида қарорнинг амалиётга татбиқ этилишида сақланиши лозим бўлган оптимал талаблардир.

Миллий тотувлик – умумлаштирувчи тушунча бўлиб, ўзида сиёсий-психологик натижалар ва ички умуммиллий сиёсат(миллий тотувлик сиёсати)нинг самарали ва конструктив оқибатларини, бир давлат миқёсида турли миллий-этник, ижтимоий-сиёсий ёки бошқа кучларнинг ўзаро яқин ҳамкорлиги ва бир-бирига ўзаро самарали таъсирини, кўп миллатли аҳолига эга бўлган давлатда ҳар қандай муҳим ҳаётини масалалар юзасидан миллатлар ёки турли миллий гуруҳларнинг бирлашувини мақсад қилган сиёсатдан кўзланган тадбирларнинг самарали натижаларини қамраб олади.

Миллий характер (*характер* – шахснинг фаолияти ва муомаласида намоён бўладиган барқарор индивидуал хусусиятлари) – миллий жамоатга хос бўлган теварак атрофни (дунёни) идрок этиш, унга жавоб бериш шакллари. Миллий характер, авваламбор, ҳис-туйғуларнинг кўринишлари (онголди ҳолатидаги ҳис-туйғу, ҳиссиёт, кайфият), воқеаларга жавоб бериш тезлиги ва жадаллиги йиғиндиси. Миллий характер – бу кишилар томонидан уларни қуршаб турган дунёни қабул қилишда муайян миллат (ёки миллий бирлик) учун хос бўлган барқарор хусусиятлар йиғиндиси ва унга бўлган муносабат шакллари.

Ўз вақтидалилик тамойили. Мазкур тамойилда қарор қабул қилувчи биринчи навбатда вақт омилига алоҳида эътиборини қаратади. Чунки қарорнинг ўз вақтида чиқарилиши унинг ижросини ҳам оптимал ҳолга келтиради. Қарор уч хил кўринишда қабул қилиниши мумкин: шошилиб қарор қабул қилиш, ўз вақтида қарор қабул қилиш ва вақтидан ўтказиб қарор қабул қилиш. Ўз вақтида чиқарилмаган қарор натижаси кутилгандай бўлмайди. Шунингдек, чиқарилган қарорнинг ижроси ҳам ўз вақтида бажарилмаса, вақт ўтгандан сўнг ўз қадрини йўқотиши мумкин.

Қарор - ҳаракат учун қўлланма, фикрий фаолиятнинг тури ва инсон иродасининг юзага чиқишидир. У қатор белгиларга эга:

- имкониятлардан бирини танлашнинг мавжудлиги;
- танлов онгли ҳолда мақсадга эришишга йўналган;
- танлов қарорни тугаш қисмидир.

Қарорнинг бажарилишига раҳбарлик қилиш - бу ташкилот, корхона, цех, участка, бригаданинг бошқариш аппарати томонидан ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш жараёнида раҳбарлик қилиш бўйича аниқ

масалаларни ҳал этиш демакдир.

Қарорларни бажариш - бу оқибат натижасида юқори бўғинда қабул қилинган режаларни, шунингдек шу режалар асосида қуйи бўғинлар (цех, участка, бригада, смена, ҳар бир ходим) учун тузилган режа ёки топшириқларни бажариш демакдир. Қарор энг аввало буйруқ ёки фармойиш тарзида расмийлаштирилади, сўнгра у маъмурий ҳужжат тусини олади. Унда аниқ ижрочилар, бажариш муддатлари, назорат қилиш усуллари ва ҳоказолар кўрсатилган бўлади.

VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Махсус адабиётлар:

1. Антонов А.В. Системный анализ. – М.2002.
2. Бендерская Е.Н., Колесников Д.Н., Пахомова В.И. и др. Системный анализ и принятие решений // Учебное пособие. - СПб.: СПб ГТУ, 2001. - 206 с.
3. Бегимкулов У.Ш. Единое информационное пространство высших педагогических образовательных учреждений Республики Узбекистан // Ж. Преподаватель XXI век. – Москва, 2007. – № 2. – С. 52-55.
4. Бегимкулов У.Ш. Педагогик таълим муассасасининг ахборот муҳитини бошқариш тизими // Ж. Узлуксиз таълим. – Тошкент, 2007. – № 2. – Б. 3-8.
5. Вертакова Ю.В. Управленческие решения, разработка и выбор. М.КНОРУС.2005.
6. Волкова В.Н., Денисов А.А. Основы теории систем и системного анализа. - СПб.: СПб ГТУ, 2003. - 510 с.
7. Вопросы анализа и процедуры принятия решений: Сб. статей / Пер. с англ, под ред. И.Ф. Шахнова. - М.: МИР, 1976. - 228 с.
8. Игнатъева А. В., Максимцов М. М. Исследование систем управления: Учеб. пособ. для вузов. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2001.
9. Илмий тадқиқот методологияси. – Т., 2014.
10. Кини Р., Райфа Х. Принятие решений при многих критериях. Предпочтения и замещения. - М.: Радио и связь, 1976. -650 с.
11. Клиланд Д., Кинг В. Системный анализ и целевое управление. – М., 1974.
12. Кокарева Т. А. Системный анализ процедур принятия управленческих решений. – М.: Лес. пром-сть, 1991.
13. Мамбетова И. Модулли ўқитиш - таълим сифатини таъминлаш технологияси сифатида // *Ilm ha'm ja'miet* 2015, 4-сон.
14. Митина Л.М. Учитель как личность и профессионал. – М., 1994.
15. Новосельцев В.И. Системный анализ: современные концепции. – Воронеж: «Кварта», 2002.
16. О'Коннор Дж., Макдермотт И. Искусство системного мышления: необходимые знания о системах и творческом подходе к решению проблем. – М., 2006.
17. Ожиганов Э.Н. Стратегический анализ политики: Теоретические основания и методы. – М.2006.
18. Самаров Р. Ахборотнинг психологик хавфсизлигини таъминлаш механизми (услугий кўлланма). – Тошкент: Университет, 2015. – 91 б.
19. Самаров Р. Хавфсизликнинг методологик асослари (монография). - Тошкент: Akademiya, 2010. - 256 б.
20. Самаров Р., Садриддинов С. Миллий тараққиёт такомиллашувининг илмий асослари (Сиёсий ташхис мисолида) // Ж. Муҳофаза +, 11 – сон, 2011 (85). 6-7 – бетлар.
21. Самаров Р. (хаммуаллифликда). Сиёсий матн таҳлили (методология,

назария, амалиёт) / Монография. - Тошкент 2010. - 176 б.

22. Самаров Р., Садриддинов С. Педагогик фаолият тизими такомиллашувини таъминлашда тизимли таҳлил: функционал ёндашув // Ж. Замонавий таълим 2016, 2-сон. 23-30 – бетлар.

23. Самаров Р., Муротова Д. Ижтимоий тадқиқотларни ўтказишда тизимли ёндашувдан фойдаланишнинг назарий жиҳатлари // Илм сарчашмалари Урганч давлат университети илмий-услубий журнали № 7, 2013.

24. Системный анализ и принятий решений // Словарь справочник. – М. Высшая школа, 2004.

25. Системный анализ и аналитические исследования: руководство для профессиональных аналитиков / А.И. Ракитов, Д.А. Бондяев, И.Б. Романов, С.В.

26. Системный анализ и принятие решений: Словарь - справочник. Учебное пособие для вузов / Под ред. В.Н. Волковой и В.Н. Козлова. - М.: Высшая школа, 2004. -616 с.

27. Системный подход: анализ и прогнозирование международных отношений (опыт прикладных исследований) // Под. ред. И.Г.Тюлина. – М., 1991.

28. Ғозиев Э., Самаров Р. Илмий ижод ва олимнинг шахси // Ж. Таълим муаммолари. 2014, 2 – сон.

29. Эсанбобоев Ф. Информационно-коммуникационные технологии как фактор интенсификации учебно-воспитательных процессов // Методика и технологии в образовании. – Воронеж, 2010. –№ 6.

30. Эсанбобоев Ф., Куронов М., Бегимкулов У. Маънавий-ахлоқий тарбияда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш // Методик кўлланма. – Тошкент, 2011.

31. Mettler-Meibom В. Soziale Kosten in der Informationsgesellschaft. Frankfurt-am-Main, 1987.

32. Managing with Systems Thinking, Michael Ballé, McGraw-Hill, London, 1994.

33. Systems Thinking: Managing Chaos and Complexity, Jamshid Gharajedaghi, Butterworth Heinemann, Oxford, 1999.

34. Building the European Information Society for us all: Final policy report of the high-level expert group, April 1997 / European Commission. Directorate-General for employment, industrial relations and social affairs. Unit V/B/4. - Brussels, manuscript completed in April 1997

35. Cyberspace and the American Dream: A Magna Carta for the Knowledge Age: Release 1.2 // August 22, 1994.

36. Fuchs I.H. The promise and challenge of new technologies in higher education// Proceedings of the American Philosophical society Philadelphia. – 1998. – Vol.142. – № 2 – P. 197-206.

Интернет ресурслар

1. www.press-service.uz

2. www.gov.uz
3. www.infocom.uz
4. <http://www.bank.uz/uz/publislVdoc/>
5. www.press-uz.info
6. www.ziyonet.uz
7. www.edu.uz
8. www.pedagog.uz
9. www.tdpu.uz